БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши
№ 194 (11.943)

Шанба, 19 август 1961 йил.

Баҳоси 2 тийин.

КОММУНИСТИК ЖАМИЯТ КИШИСИНИНГ ФАЗИЛАТИ

Коммунистик жамият қуриш совет халқининг бевосита амалий вазифаси бўлиб қолди. Социализмнинг тобора коммунизмга ўсиб ўтиши объектив қонуниятдир.

Юксак коммунистик онг, меҳнатсеварлик ва интизом, жамият манфаатларига садоқат — коммунистик жамият кишисига хос фазилатлардир.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ПРОГРАММАСИ ПРОЕКТИДАН

ПАХТА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

ҚАМАШИ (Сурхондарё области), 18 август. (ЎзТАГ). Энгельс номли колхоз янги пахта ҳосилини танлаб теришга Қамаши районида биринчи бўлиб киришди. У. Янгибоев, А. Холиқов ва Т. Худоёров ўртоқлар бошлиқ илғор бригадаларда кунига йиллик планнинг 1—1,5 процентн миқдорида пахта тайёрланмоқда.

Комсомол аъзоларидан Бекнор Абдуллаева, Давлат Холиқова, Жонгул Меҳриева ва Шарофат Бобоқуловалар дастлабки кунлардан бошлаб жуда яхши ишламоқдалар. Улар ҳар куни хирмонга 70-100 килограммдан пахта тўкмоқдалар. Бу теримчилар партия XXII съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақага қўшилиб, мавсумда 12-15 тоннага етказиб пахта теришга сўз бердилар.

Механик-ҳайдовчилардан Боймирза Олимов, Усмон Абдураҳмонов, Улаш Тоштурдиевлар пахта териш агрегатларини далага чиқаришга шайлаб қўйдилар.

Колхоз аъзолари партия съезди очиладиган кун — 17 октябргача давлатга пахта сотиш йиллик планини, Улуғ Октябрь байрамигача эса мажбуриятни бажариш учун курашни авж олдириб юбордилар.

ПАХТАЗОРЛАР УСТИДА САМОЛЁТЛАР

Қишлоқ хўжалик авиацияси самолётлари тонг отиши биланоқ Қорақалпоғистоннинг пахта далалари тепасида пайдо бўлади. Учувчилар далаларга ўсимлик зараркунандаларини йўқотадиган заҳарли моддаларни сепадилар. Амударё районидаги «Мангит» совхозида учувчи Осадчук экипажи экинларга дори сепишда топшириқни анча оширибгина бажармоқда. Учувчи ва техниклардан Недашковский, Оқтикбоев ва Усков ўртоқлар ҳам муваффақиятли ишлаб, Қўқон ғирот район и д а қисқа муддат ичида 15 минг гектар майдондаги экинларни дорилашдилар.



АНДИЖОН область, Хўжаобод районидаги «Ленинизм» колхозининг коммунист Рашид Ҳусанов бошлиқ бригадаси аъзолари етти йилликнинг учинчи йилида зиммаларига юксак мажбурият олганлар. Улар 86 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилганлар. Бригада аъзолари ўз ваъдаси устидан чиқиш учун ғўза парваришини уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар. СУРАТДА: бригадир Рашид Ҳусанов ва мириштор сувчи Халил Юнусов ғўзани кўздан кечирмоқдалар.

Т. Ҳасанов фотоси.

* * *

ТОШКЕНТ консерва заводида кенг ассортиментда мева ва сабзавот консервалари тайёрланмоқда. Корхона яқинда биринчи марта болалар учун ўрик ва олма турпи, қулупнай шарбатидан консервалар тайёрлашни жорий қилди. Корхона коллективи ўн ойлик планни съезд очиладиган кунгача, йиллик топшириқни эса 20 декабргача бажариш учун курашмоқда. СУРАТДА: тайёр маҳсулотларни жўнатиш пайти.

Р. Шамсиддинов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

УЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ВАТАНГА ЮҚОРИ СИФАТЛИ ПАХТА БЕРАМИЗ

КПСС Программаси проекти совет кишиларининг қувонч ва Ватанимизнинг келажаги учун ифтихор хиссларини янада кучайтирди. ва уларни коммунизм қурилишида янги улуғвор ишларга илҳомлантирмоқда.

Республикамизнинг атоқли пахтакорлари — Чиноз районидаги Киров номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова ва Пискент районидаги Тельман номли колхозининг бригада бошлиғи Ҳаким Қодиров КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун интилмоқдалар. Улар москвалик-ларнинг жаҳонда энг аъло сифатли саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тўғрисидаги чақириқларига қўшилиб, ҳосилнинг камида 80-85 процентини давлатга биринчи сортга сотиш мажбуриятини олдилар.

Чиноз пахта заводининг «Пахта» пахта тайёрлаш пункти ва Пискент пахта заводи ҳузуридаги тайёрлаш пунктларининг коллективлари Т. Охунова ва Ҳ. Қодиров бошлиқ бригадаларга олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажаришда, хусусан далаларни ва моддий-техника базасини машина теримига тайёрлашда, теримчиларга инструктаж беришда, нобудгарчиликнинг олдини олишда ҳар тарафлама ёрдам қилишга сўз бердилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети республиканинг атоқли пахтакорлари Турсуной Охунова билан Ҳаким Қодировнинг кўрсатган қимматли ташаббусини маъқуллаб, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, Қишлоқ хўжалик министрлиги, Халқ хўжалиги кенгаши, «Узсельхозтехника» бирлашмаси, Совхозлар бош бошқармаси ва Ўзбекистон касаба союзлари Совети зиммасига бу ташаббусни қўллаб-қувватлаш ҳамда оммалаштириш, нуқул сифатли пахта териб, давлатга юқори сифатли пахта топшириш учун социалистик мусобақани авж олдиришда колхозларга, совхозларга ва тайёрлов пунктларига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш вазифасини юклади.

ЕМ-ХАШАК МЎЛ БЎЛСА, ЧОРВА МАҲСУЛОТИ КЎПАЯДИ

Ажойиб замонда, «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» шиори амалга оширилаётган даврда яшамоқдамиз.

Совет халқи коммунизмнинг узоқ эмаслигини жуда яхши кўриб ва билиб турибди. Коммунизм — мўл-кўлчилик демакдир. Бу даврда бутун аҳолининг ва халқ хўжалигининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари тўла қондирилади, ҳамма эҳтиёжига яраша маҳсулот олади. **«Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўсиши, —** дейилади КПСС Программаси проектида — **уларга бўлган эҳтиёжнинг ўсишидан олдинда бормоғи лозим. Совет Иттифоқи биринчи ўн йилликда аҳоли жон бошига асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича Америка Қўшма Штатларидан ўзиб кетади».**

Республикамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олган бу йилги мажбуриятда ана шулар кўзда тутилади. Ўзбекистон етти йилликнинг учинчи йилида тирик вазнда 314 минг тонна, сўйилган ҳолда 185 минг тонна гўшт, 979 минг тонна сут ва кўп миқдорда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, ундан кейинги йилларда маҳсулот етиштиришни янада кўпайтириши керак.

Бу улуғвор вазифани тўлатўкис бажариш учун чорвачилик проблемасини ҳал қилиш, мол туёғини кўпайтириш талаб этилади. Бунинг учун эса, аввало, молларнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш керак бўлади. КПСС Программасининг проектида бу ҳақда ажойиб сўзлар бор: **«Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг белгиланган миқдорда ўсиши чорва моллар ва паррандалар сонини кўпайтириш, уларнинг наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш, аввало маккажўхори, қанд лавлаги, хашаки дуккакли экинлар ва бошқа экинлар ҳисобидан мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтириш билан таъминланади».** Ўрток Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида сўзлаган нутқида: **«Ем-хашак мўл бўлса, сут ҳам мўл, гўшт ҳам сероб бўлади»** деб таъкидлади.

Республикамиз меҳнаткашларининг бу соҳадаги мажбурияти ҳам катта. Бу йил камида 5,5 миллион тонна силос бостирамиз, камида 4,5 миллион тонна дағал хашак тайёрлаймиз, деб ваъда берганмиз. Силос асосан маккажўхори ва оқжўхоридан бостирилади Шу мақсадда бу йил ҳар йилдагидан ҳам кўпроқ майдонга ана шу қимматли экинлар экилди Бепоён далаларимизда маккажўхори ва оқжўхоридан мўл ҳосил етиштирилади. Илғор маккажўхорикор бригадалар маккажўхорини уюшқоқлик билан ўриб олиб, ундан мўл-кўл силос бостирмоқдалар бу соҳадаги мажбуриятларини бирин-кетин бажармоқдалар. Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг донгдор маккажўхорикор Любовь Ли бошлиқ бригадасида гектаридан думбул сўтаси билан 2030 центнердан кўпроси олинди!

Илғорларнинг иши силос бостириш юзасидан олинган мажбуриятларни қисқа вақт ичида бажариш, шу йўл билан ширали озуқаларга етарли даражада эга бўлиш учун ҳар бир колхоз ва совхозда катта имкониятлар борлигини кўрсатиб турибди. Бир майдонда бир йилда икки ҳосил олиш вазифаси қўйилган бу йилги шароитда маккажўхори ўриш ва ундан силос бостиришни ҳар тарафлама кучайтириб, ерларни тезроқ бўшатиш талаб қилинади. Шунга қарамай маккажўхори ўриш ва силос бостириш жуда сust бораяпти.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг социалистик мажбуриятларида «Биз беданинг оқсилга бой қимматли озуқа эканлигига ҳамда алмашлаб экишда пахтанинг яхши шериги эканлигига муҳим аҳамият бериб, бу йил беда экиш планини тўла бажариш йўли билан камида 4-5 марта ўриб олиш мажбуриятини оламиз» дейилган. Бу мажбурият мутлақо қониқарсиз бажарилмоқда. Кўп колхоз ва совхозларда беда ўриш кечиктириб юбориляпти. Республикада 80 минг гектарга етар-етмас ердаги беда 2-3 марта ўриб олинди. Ҳолбуки ҳозиргача бедани камида 4 марта ўриб олиш мумкин эди

Бу фактлар кўпгина колхоз, совхоз, район ва область раҳбарлари, қишлоқ хўжалик органларининг ходимлари моллар учун мўл-кўл ем-хашак жамгармасдан туриб, чорвачиликни ривожлантириб бўлмаслигини унутиб қўяётганликларини кўрсатади Шунинг учун ҳам улар молларнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш учун зарур тадбирларни амалга оширмаётирлар Табиий ўтларни, бедани, маккажўхори ва оқжўхорини ўриш, силос бостириш учун ишчи кучлари етарли ажратилмаётир. Хашак тайёрлаш бригадаларининг аъзолари кўп ҳолларда бошқа ишларга олиб қўйилмоқда.

Чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш, ем-хашакни кўпайтиришга боғлиқ эканлигини бир зум ҳам унутмаслик керак. Ем-хашак, айниқса ширали озуқалар қанчалик кўп тайёрланса, моллар туёғи шунчалик кўпаяди, семиз ва соғлом ўсади, сигирлардан кўп сут соғиб олиш, гўшт ва ёғ учун боқилаётган молларни тез семиртириш, бузоқларни, улоқ ва қўзиларни, чўчқа болаларини тез ўстириш имконияти туғилади. Шунга кўра бедани, маккажўхори ва оқжўхорини вақтида ўриб олиш, маккажўхоридан силос бостиришни ҳар тарафлама кучайтириб юбориш керак. Хашак тайёрлаш бригадаларининг ишини тўғри ташкил этиш, ўриш ва силос бостириш техникасидан самарали фойдаланиш зарур. Область партия ва совет ташкилотлари, район партия комитетлари, район ижроия комитетлари хашак жамгариш ишларига чинакам бошчилик қилишлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига нисбатан талабчанликни тобора оширишлари зарур

Силос бостиришнинг сифатига алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Силосхоналарга маккажўхори кўкпояси узоқ вақт тўкилса, силоснинг сифати бузилади. Бунга йўл қўймаслик учун чуқурларни бир кеча-кундуз давомида тўлдириш, кўкпояни яхшилаб шиббалаш керак.

Ёзнинг учинчи ойи ўтиб боряпти. Вақт ғанимат. Қишлоқ коммунистлари, комсомоллари, колхоз ва совхозларнинг илғор кишилари — зарбдор кучлардир. Ҳеч шубҳа йўққи, улар КПСС XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага яхши бошчилик қилиб, чорвачилик маҳсулотларининг кўп етиштирилишига эришадилар, молларнинг ем-хашак базаси мустаҳкамланишини таъминлайдилар.

ЗАВОДЛАР ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛАШГА ТАЙЕР

УЧҚЎРҒОН. (Андижон области). (ЎзТАГ). Коммунистик меҳнат корхонаси деган фахрли номни олиш учун курашаётган Учқўрғон пахта тозалаш заводи коллективи янги пахта ҳосилини қайта ишлашга тайёргарликни тугаллади. Учқўрғонликлар бутун машина-ускуналарни капитал ремонтдан чиқардилар. Ҳамма жиҳозлар модернизация қилинди. Бу тадбир тола сифатининг яхши ва тоза бўлишини таъминлайди.

Қўқонқишлоқ заводида ҳам янги мавсумга тайёргарлик ишлари тугалланди. Бу корхонада эски тозалаш машиналари ўрнига янги машиналар ўрнатилди. Ленин, Сталин, Пойтуқ, Норин ва Наманган пахта заводларида ҳам етти йилликнинг учинчи йили ҳосилини қайта ишлашга тайёргарлик ишлари тугалланмоқда.

КПСС XXII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИДАН

⊙ Коммунистик меҳнат ва юксак маданият корхонаси номини олиш учун курашаётган Чирчиқ электрокимё комбинатида КПСС XXII съезди шарафига бошланган рационализаторлар эстафетаси қизғин давом этмоқда. Ҳозиргача эстафета дафтарига 30 га яқин рационализаторлик таклифлари ёзилди. Бу эса йилига камида 600 минг сўм маблағни тежаб қолишга имкон беради.

⊙ *ҚУВАСОЙ ГРЭСИ КОЛЛЕКТИВИ ЕТТИ ОЙ ИЧИДА ПЛАНДАН ТАШҚАРИ ЕТТИ МИЛЛИОН КИЛОВАТТ-СОАТ ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРДИ. УСКУНА ВА МЕХАНИЗМЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ НАТИЖАСИДА 570 ТОННА КЎМИР ВА 500 МИНГ КИЛОВАТТ-СОАТ ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ ТЕЖАБ ҚОЛИНДИ.*

⊙ Қорақалпоғистон пахта тозалаш саноати корхоналари янги ҳосилни қабул қилишга тайёрланмоқда. Заводлар оғир қўл меҳнати талаб қиладиган ишларни механизациялаш мақсадида янги ускуналар билан жиҳозладилар. Мангит ва Чимбой заводларини реконструкциялаш тугалланди. Республиканинг ҳамма корхоналарида кам унумли пресслар бирмунча такомиллашган ва 480 тоннагача пахта тозалайдиган пресслар билан алмаштирилди.

⊙ ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ЭСКИ СТАНОК ВА МАШИНАЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ АВЖ ОЛДИРИЛДИ. ШУ ЙИЛНИНГ БОШИДАГИНА ФАРҒОНА ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИНИНГ ЎЗИДАГИНА ТУРЛИ УСКУНАЛАРНИНГ 260 ТАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ. МАРҒИЛОН ИПАКЧИЛИК КОМБИНАТИДА, ҚЎҚОНДАГИ «БОЛЬШЕВИК» МАШИНАСОЗЛИК ЗАВОДИДА, ВАННОВСКИЙ НЕФТНИ ҚАЙТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИДА ЮЗЛАБ СТАНОК ВА МАШИНАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ НОВАТОРЛАРИНИНГ КУЧИ БИЛАН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ.

⊙ Сурхондарё область, Чироқчи районидаги Жданов номли маҳаллий саноат комбинатининг ишчи-хизматчилари ҳар ойда 800 минг ғишт ўрнига 1 миллион 366 минг ғишт ва 50 тонна ўрнига 65 тоннадан оҳак ишлаб чиқараётир.

⊙ Ғиждувон районидаги Энгельс номли колхоз механизаторлари еттита терим машинасининг ҳаммасини ремонтдан чиқариб, мавсумга тахт қилиб қўйдилар.

⊙ Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхози чорвадорлари қисқа вақт ичида икки минг тоннадан ортиқ силос бостирдилар.

⊙ *Бу йил Ленин районидаги Хрущчев номли колхоз давлатга 9400 тонна пахта сотади. Колхозчилар ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил йиғиштиришни мўлжаллаб ишлаяптилар. Бу, етти йилликнинг охирига белгиланган рақамга тенгдир. Колхоз механизаторлари бу йил далада 15 пахта териш машинасини ишлатадилар.*

⊙ 153 тонна! Қўқон шаҳридаги озиқ-овқат фабрикаси коллективи ўтган етти ойда пландан ташқари ана шунча маҳсулот ишлаб чиқарди. Шаҳар корхоналарининг социалистик мусобақасида илғорликни эгаллаб келаётган фабрика коллективига шаҳар ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди.

⊙ Янгиобод районидаги «Марксизм» колхозининг ҳалима Ражабова мудирлик қилаётган паррандачилик фермасида 60 минг дона тухум етиштирилиб давлатга топширилди.



ИЛҒОР ЙИГИРУВЧИЛАР ТАШАББУСИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг 1-йигирув фабрикасида яхши ташаббус бошланди. Маълумки, ФЗУни эндигина битириб келган ва ишга янги қабул қилинган ёш тўқимачиларнинг малакаси кам бўлади.

Буни ҳисобга олган фабриканинг илғор ва тажрибали йигирувчилари — коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари А. В. Брюшинина, К. Е. Мурашкина, С. Н. Дмитриева, А. Бригано-ва ва бошқалар ишдан кейин икки соат қолиб кам малакали йигирувчиларга ёрдам беришга қарор қилдилар. Улар бажарилаётган ишларни кузатадилар, йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлайдилар ва бу нуқсонларни йўқотишда ёшларга амалий ёрдам берадилар.

Ҳозир тажрибаси кам йигирувчилар малака орттириб нуқсонсиз ишламоқдалар ва планларини бажармоқдалар.

Р. ИБРОҲИМОВ.

СЎНГГИ СОАТДА...

Кеча, 18 августда

ҚУТБ ДЕНГИЗЧИЛАРИ ЖАСОРАТИ

КЕЧА «КАПИТАН МЕЛЕХОВ» МУЗ. ЕРАРИ БОРТИДАН ХАБАР ҚИЛИШДИ: КЕМА ШИМОЛИЙ МУЗ ОКЕАНИДАГИ ХАТАНГ ҚЎЛТИҒИДА ТРАНСПОРТ КЕМАЛАРИ ҚАРВОНИГА ЙЎЛ ОЧИБ БОРАЁТГАНИДА МУЗЁРАРНИНГ АСОСИЙ ПАРРАГИ СИНИБ ҚОЛГАН. ҚУТБЧИ-ДЕНГИЗЧ И Д А Р ҚАТТИҚ ЖАРОХАТ ОЛГАНИГА ҚАРАМАЙ НАВБАТМА-НАВБАТ 43 СОАТ ДАВОМИДА 6-7 МЕТР МУЗ ОСТИГА ТУШИБ, ПАРРАКНИ ТУЗАТГАНЛАР ВА ЙЎЛДА ДАВОМ ҚИЛГАНЛАР.

САВОДСИЗЛИККА ҚАРШИ ЮРИШ

Гаванадан олинган хабарга қараганда, бу ерда Куба меҳнаткашлари конфедерациясининг йиғини мажлиси бўлиб ўтган. Касаба союзларининг 33 миллий тармоғидан делегатлар қатнашган бу мажлисда мамлакатда саводсизликни тугатиш учун катта юриш бошланганлиги эълон қилинган. Ҳозирги пайтда саводсизликка қарши курашда деярли 300 минг киши қатнашмоқда. Куба меҳнаткашлари бу муҳим ишга яна қўшимча 60 минг ишчи юборишга қарор қилган.

«ДАРҲОЛ МУЗОКАРАЛАР БОШЛАНСИН»

Кеча Нью-Йоркдан олинган хабарда айтилишича, Америка Қўшма Штатлари Коммунистик партиясининг бош секретари Гэс Холл Оқ уйга телеграмма юборган. Телеграммада Гэс Холл президент Кеннедини Ғарбий Берлин ва Германия масаласи юзасидан Совет Иттифоқи билан дарҳол музокаралар бошлашга чақирган.

ТЕРРОР ДАВОМ ЭТЯПТИ

Жазоирда ўтказмустамлакачи уюшмаларнинг террористик фаолияти давом этмоқда. Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, 17 август куни кечқурун Жазоир шаҳрида ва унинг атрофидаги шаҳарчаларда 9 та хонаки бомба портлатилган, натижада 15 киши ярадор бўлган, шулардан баъзилари оғир ярадор бўлган.

ДАШТ БЎЙИН ЭГЯПТИ

БУГУН ҚАРШИ ЧЎЛИДА

<>

АЗИМ чўл — Қарши даштлари. да 2 миллион гектардан ортиқ ҳосилдор ерлар бор. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми ана шу беҳисоб даштни сув билан таъминлаб, қўрик ерларни ўзлаштиришга қарор берди. Сурхондарё областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу унумдор ерларни ўзлаштиришга ва унга сув чиқаришга қаттиқ киришдилар.

Даштни сув билан таъминлашнинг манбаи аллақачонлари топилган. Бу — Чимқўрғон сув омборидир. Бу ерда баҳор пайтларида 170 миллион кубометр сув тўпланади. Бу эса қўриқ ерларни ўйғотишнинг асоси бўлди. Азим чўл бағрига ҳаёт тобора кириб келмоқда. Йил сайин кўпроқ қўриқ очилмоқда. Ҳозиргача чўлда 10 минг гектар янги ер ўзлаштирилди. Бу ерларга қишлоқ хўжалик экинлари экилиб, улардан мўл ҳосил олинмоқда.

Бешкент районидаги «III Интернационал» колхозининг аъзолари Мирганча ва Қўштепа массивларидан ўтган йили янги ўзлаштирилган 200 гектар ернинг ҳар гектаридан ўртача 18 центнердан пахта топширдилар. А. Темиров, Ш. Ҳўжанов. А. Бердиев ўртоқлар бошлиқ бригадалар пахтадан янада юқори ҳосил олдилар. Колхозчилар Фазли ва Мирзабек массивларидан бу йил олинган 700 гектар қўриқ ернинг ҳар гектаридан 20 центнердан пахта етиштиришни устоидил қурашмоқдалар. Янги ерларнинг анчасига маккажўхори ва беда экилди. 80 гектар ерга мева дарахтлари ўтқазилди. Маккажўхори, беда, мева дарахтлари меҳр билан парвариш қилинмоқда.

Косон районининг пахтакорлари ҳам етти йилликнинг учинчи йилида чўлга уюшқоқлик билан ҳужум бошладилар. Район хўжаликлари шу йил баҳорда 650 гектар қўриқ очиб, унинг 350 гектарига чигит экдилар. Энгельс номли колхоз аъзолари кейинги икки йил ичида даштнинг Пистали массивидан 500 гектар янги ерни ишга солдилар. Илғорлари қақраб ётган янтоқзорларда ҳозир юзлаб гектар боғ ва токзорлар барпо этилди.

Бу районда суғориш иншоотлари кўплаб қурилмоқда ва мавжуд иншоотлар кенгайтирилмоқда. «8 март» ва «Пахта» каналлари реконструкция қилинди.

Бу ишлар Қаршз чўлини экинзорга, боғ-бўстонга айлантириш, даштга ҳаёт бағишлаш соҳасида амалга оширилган дастлабки тадбирлардир. Бу соҳада ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Инсоннинг қўли гул, дейдилар. Инсоннинг қўли, қудратли машиналарнинг кучи билан чўл сувга сероб қилинади, даштлар обод бўлиб кетади. Ҳозир чўлда олиб борилаётган қизғин кураш ана шундан далолат бериб турибди. Олимларимиз сунъий дарёларнинг йўналишини аниқ белгиламоқдалар, тракторлар, бульдозерлар, скреперлар, юк автомашиналари ёғган самосвалларнинг кети узилмайди. Чимқўрғон сув омбори қурилишида ишлаётган механизаторларнинг аҳди катта. Улар КПСС XXII съезди очиладиган кунгача тўғонни 30 метр баландга кўтариш йўли билан келгуси йил баҳорда камида 300 миллион кубометр сув сиғадиган қилиш мажбуриятини олганлар. Механизаторлар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун курашиб, ишда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Чиндан ҳам Қарши даштининг истиқболи порлоқ. Биргина Бешкент районн территориясидаги бекор ётган 250 минг гектар қўриқ ер ўзлаштирилганда ҳам, бу ердан ҳозир Сурхондарё областида етиштирилаётган пахта миқдорида «оқ олтин» олиш мумкин. Область механизаторлари буни жуда яхши англайдилар. Шунинг учун улар даштни тезроқ экинзорга айлантириш, бу билан халқ бойлигини янада кўпайтириш, давлат ҳазинасини маҳсулотларга ҳар қачонгидан ҳам тўлдириш учун астойдил курашмоқдалар. Айниқса, Бешкент, Қарши, Косон, Ғузор, Қамаши районларининг механизаторлари асрлардан бери қақраб ётган ерларни обод қилиш учун ғайратларига-ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

Республика олимлари Қарши чўлини обод қилишда даштни забт этувчиларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Улар Амударё сувини даштга, тоғдан бориб юборишга лойиҳасини чизиб берастирлар. Дарё сувининг янги изга солиниши чўлдан камида бир миллион 200 минг гектар ерни ўзлаштириш, бу ердан ҳар йили бир миллион 700 минг тонна ингичка толали «оқ олтин», кўп миқдорда дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиш, чорвачиликни янада тез суратлар билан ривожлантириш, молларнинг маҳсулдорлигини кескин ошириш имкониятини беради. Ана шунинг учун ҳам Қарши даштини ўзлаштиришга ҳамма қизиқиб қарамоқда.

А. ХАЛИЛОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

XXII СЪЕЗДОЛИЙ ишлари

КПСС ПРОГРАММАСИ ВА УСТАВИ ПРОЕКТЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

БУХОРО КОММУНИСТЛАРИНИНГ АҲДИ

Бухоро область партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган актив йиғилиши Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программа ва Устави проектини ўрганиш ва КПСС XXII съездини муносиб кутиб олишда область партия ташкилотларининг вазифалари ҳақидаги масалани муҳокама қилди. Бу ҳақда область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Ризаев доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзлаган нотиқлар КПСС Программаси ва Устави проектларини ишчилар, колхозчилар ва хизматчилар қизғин кутиб олганлигини, бу тарихий ҳужжатлар меҳнаткашларни янги ғалабалар сари илҳомлантираётганлигини таъкидладилар.

Область саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақани қизғин давом эттириб, 7 ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш планини анча оширишга бажардилар. Қишлоқ хўжалик механизаторлари давлатга қорақўл тери ва пилла етказиб бериш планларини муваффақиятли адо этдилар. Капитал қурилиш суръати анча оширилди. Йилига 35 минг квадратметр панел ишлаб чиқарадиган Бухоро уй қуриш комбинати муддатидан илгари ишга туширилди. Газли, Навоий ГРЭСи ва Аму—Қоракўл канали қурилишлари суръати тезлатилди.

Музокарада сўзга чиққан Бухоро шаҳар партия комитетининг секретари Ж. Алимов бундай деди:

— КПСС Программа ва Уставини шаҳар меҳнаткашлари зўр қониқиш билан ўрганяптилар. Ҳозир жойларда 3 мингдан ортиқ агитатор ва лектор бу соҳада самарали иш олиб боряпти. Шаҳар партия комитетининг бюро аъзолари, пленум аъзолари ва секретарлари саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида лекциялар билан чиқмоқдалар. Бу тарихий ҳужжатлардан илҳомланган саноат корхоналарининг коллективлари коммунистик меҳнат корхонаси, коллективи ва зарбдори деган номни олиш учун курашяпптилар. Ҳозир 86 бригадага коммунистик меҳнат бригадаси номи берилди.

— Программа ва Устав проектларида, — дейди Вобкент районидаги Сталин номли колхозининг бригада бошлиғи М. Қандова, — порлоқ ҳаётимиз ва келажак истиқболимиз ифода этилган, социалистик қишлоқ хўжалигимизни комплекс тараққий эттириш режалари кўрсатилган. Бригадамиз аъзолари бу тарихий ҳужжатлар билан танишиб чиқар эканлар, бу йил 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан олдинги 40 центнер ўрнига 50 центнердан пахта ҳосили етиштиришга қарор бердилар. Биз йиллик пахта тайёрлаш планини партиямизнинг XXII съезди очилиш кунигача бажарамиз.

— Навоий шаҳри, — деди шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ С. Қаххорова, — етти йиллиқнинг тўғиғич шаҳарларидан биридир. Бу жойда жуда кўп жамоат бинолари, уй-жойлар қад кўтаряпти, йирик саноат ўчоқлари барпо этиляпти. Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрликлари туфайли колхоз қишлоқлари ёппасига электрлаштирилди. Яқин ўн йилда шаҳримиз ўз қиёфасини янада ўзгартириб, республикамизнинг обод ва кўркам шаҳарларидан бирига айланади. Янги шаҳарнинг меҳнаткашлари партиямизнинг Программа ва Устави проектларини якдиллик билан маъқуллайдилар.

Музокарада сўзга чиққан Шофрикон район партия комитетининг секретари Ҳ. Пўлатова, Бухоро ёғ заводи партия ташкилотининг секретари Соколова, Ромитан район партия комитетининг секретари Н. Бозоров ва бошқа ўртоқлар бу тарихий ҳужжатларни коммунистик жамият қурилишининг улуғвор Программаси деб атадилар ва меҳнаткашлар КПСС XXII съездини муносиб тухфалар билан кутиб олиш учун халқ хўжалигининг барча соҳаларида фидокорона меҳнат қилаётганликларини айтдилар.

— «Ромитан» совхозининг коллективи, — деди шу совхознинг бўлим бошқарувчиси М. Тошева, — янги тарихий ҳужжатлардан илҳомланиб, чорва маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтирмоқдалар. Хўжалигимиз ҳозирдаёқ давлатга сут сотиш йиллик планини бажарди. Бўлимимиз ишчилари давлатга пландаги 6710 килограмм ўрнига 8800 килограмм пилла топширди. Шу кунларда бутун коллективнинг куч-ғайрати пахтадан мўл ҳосил етиштиришга қаратилган. Биз партиямизнинг съездини давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш планларини ҳамма турлари бўйича бажариш билан кутиб олиш учун курашяпмиз.

Актив йиғилиши Коммунистик партиянинг Программа ва Устави проектларини якдиллик билан маъқуллаб, қарор қабул қилди ва бу ҳужжатларни жойларда кенг пропаганда қилиш юзасидан конкрет тадбирлар белгилади.

«Қизил Ўзбекистон» мухбири.



ИЗБОСКАН районидаги «Партия XX съезди» колхози партия комитетининг секретари Ихром Йўлдошев 3-бригаланинг дала шийпонида колхозчиларга КПСС Программаси проектини тушунтирмоқда.

А. Воропаев фотоси.

КОММУНИСТ—КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИНИНГ АКТИВ ҚУРУВЧИСИ

Коммунизм қурилиши авж олдирилган даврда партия аъзосининг роли ва масъулияти яна кўпроқ ошади. Коммунист ўзининг халқи билан ишлаб чиқаришда, ижтимоий ва шахсий турмушда, коммунистик муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун курашда юксак ўрнак кўрсатиши, коммунистик ахлоқ принцип ва нормаларига риоя қилиши лозим. КПСС энг онгли ва актив меҳнаткашлар ҳисобидан ўз сафларини тўлдириб туради, коммунист деган номни соф сақлайди ва юқори тутади.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ПРОГРАММАСИ ПРОЕКТИДАН

ГАЗ ДЕНГИЗИНИНГ МАВЖЛАРИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектида уқтириб ўтилганидек, ёнилғи қазиб чиқариш бундан буён ҳам муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлган вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Нефть ва газ қазиб чиқариш янада кўпаяди. «Зангори» ва «қора олтин» кимё саноатида тобора кенгроқ қўлланилади.

Яқин йиллар ичида республикамизда умумий узунлиги 1,6 миллион метр бўлган нефть ва газ қудуқларини қазиш, янги газ конларини барпо этиш, кимё саноати учун муҳим хом ашё бўлган ёнилғи қазиб чиқариш усулларини такомиллаштириш лозим.

1965 йилга бориб республикамиздаги табиий газнинг саноат запаслари 750 миллиард кубометрга етиши керак. 1958 йилда табиий газнинг саноат запаслари 24 миллиард кубометр эканлигини ҳисобга олсак, геолог ва пармаловчиларимиз олдида турган вазифалар нақадар катта эканлиги яққол равшан бўлади.

Шу нуқтаи назардан республикамиз нефть-газ саноатининг ҳозирги аҳволи ва унинг истиқболи ҳақида баъзи фикрларни айтиб ўтмоқчимиз. 1960 йилда республикамизда 270 минг метр узунликдаги нефть-газ қудуқлари қазилиши керак эди. Аммо шу соҳадаги давлат планлари бажарилмади. Умумий узунлиги 175 минг метр бўлган қудуқлар қазилди, холос. 1961 йилга белгиланган пармалаш ҳажми плани эса 138 минг метр камайтирилди. Шу билан бир қаторда пармалаш суръати пасаймоқда, унинг таннархи ошмоқда.

Республикада чуқур разведка қудуқлари қазиш билан Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши (Қорақалпоғистон АССРда) ва Геология Бош бошқармаси (Бухоро—Хева нефть-газ вилоятида) шуғулланмоқда. **Фикримизча, нефть ва газ конлари қидириб топиш мақсадида чуқур разведка қудуқлари қазиш Халқ хўжалиги кенгаши зиммасига юклатилиши керак.** Шундай қилинганда, республикамизда пармалаш ишларининг ягона, йирик, бақувват моддий-техника базаси вужудга келади. Раҳбарлик конкрет ва оператив бўлади.

Нефть ва газ учун асосий пармалаш ишларини ўтказаётган «Ўзбекнефтгазразведка» трестининг йирик моддий-техника базаси йўқ. Ўзбекистонда пармалаш ускуналарини ишлаб чиқарадиган ёки ремонт қиладиган бирорта ҳам корхона йўқ. Лоақал запас қисмлар ва зарур инструментлар тайёрловчи йирикроқ устахоналар очилмаганлиги ажабланарли эмасми?

Пармалаш учун моддий-техника воситалари мамлакатимизнинг бошқа районларидан ташиб келтирилмоқда. Республикамизда пармалаш ишлари ҳажмининг жуда ҳам кенгайиб кетганлигини эътиборга олиб, пармалаш ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этиш лозим.

Бухоро шаҳрида пармалаш ускуналарини ремонт қиладиган завод уч йилдан бери қуриляпти. Ҳозиргача бўлажак корхонанинг пойдевори ва деворлари қад кўтарди, холос. Агар суръат шундай бўлса, корхона яна уч йилдан кейин ҳам ишга тушиши амримаҳол. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги бу муҳим корхона қурилишини тезлатиши даркор.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, нефть ва газ қудуқлари қазишдаги технологик процесслар жуда секинлик билан такомиллаштирилмоқда. **Шу соҳада илмий-текшириш ишлари ўтказаётган институтлар фаолиятини мувофиқлаштириб туриш лозим.** Нефть ва газ соҳасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг нефть ва газ геологияси институти, энергетика институтининг баъзи лабораториялари, газ бўйича Бутуниттифоқ илмий-текшириш институтининг Ўрта Осиё филиали, Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгашининг марказий илмий-текшириш лабораторияси коллективлари шуғулланмоқдалар. Бу муассасалар ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш зарур.

Ишонамизки, республикамизнинг нефтчи-геологлари ва олимлари, ёнилғи саноати соҳасида ишлаётган барча ходимлар республикамизда йирик нефть-газ саноати барпо этишга муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Ш. ДАВЛАТОВ,
А. ВАЛИЕВ,
А. УМАРОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси нефть ва газ геологияси институтининг старший илмий ходимлари.

КОММУНИЗМНИ МЕҲНАТИМИЗ БИЛАН ҚУРАМИЗ

Колхозимиз аъзолари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программаси ва Устави проектларини зўр эътибор билан ўрганаётирлар. Бу ҳужжатлар инсоният кўп асрлардан бери орзу қилган энг эзгу мақсад — коммунистик жамият қуриш ҳақидаги фикрларни ўзида мужассамлантирган.

Программа проектида коммунистик жамият совет кишиларининг фидокорона меҳнати билан қурилажаги айтилади. Коммунизм жамият аъзоларини меҳнатдан озод қилмайди. У асло бебошлар, нишёмаслар ва бенорчилар жамияти бўлмайди. Шундай экан, қанча кўп ва унумли меҳнат қилсак, коммунизмга шунча тез борамиз. Буни яхши ҳис этган бригадамиз аъзолари янада унумлироқ ишлашга бел боғладилар. Ўтган йили бригадамиз бўйича 82 гектар ернинг ҳар гектаридан 39 центнердан «оқ олтин» хирмони жўтарган эдик. Партиямизнинг илҳомбахш ҳужжатларидан руҳланган пахтакорларимиз бу йил ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олишга аҳд қилдилар. Ҳозир ҳар туп ғўзада 8-12 тадан кўсак бор. Биз бутун август ойи давомида ғўза парваришини давом эттириб, мажбуриятни қоплайдиган миқдорда ҳосил тўплаймиз. Шонли партиямизнинг XXII съезди очиладиган кунни пахта тайёрлаш йиллик планини бажариш билан кутиб оламиз.

Қозоқ ЖУМАНАЗАРОВ,
Қорақалпоғистон АССР, Тўрткўл районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

БАХТИЁРМАН

Мен Коммунистик партиямиз халқ манфаатлари билан чамбарчас боғланган сиёсатини амалга ошириб келаётганлигининг жонли шоҳидиман. Кўп миллатли мамлакатимиз халқлари Коммунистик партиянинг доно раҳбарлигида Ленин кўрсатган йўлдан бориб, эксплуататорлар тузумини агдариб ташлади, янги тузум — социалистик тузумни барпо этди. Совет кишилари чинакам халқ ҳокимиятини агдариб ташлашга жон-жаҳди билан интилган оқгвардиячилар ва империалистик давлатларнинг ҳамласига қақшатқич зарба бериб, бу йўлда ўзининг энг яхши фарзандларидан жудо бўлди, лекин Октябрь ғалабаларини сақлаб қолди.

Октябрь революцияси душманларига қарши жангларда — 1918-1919 йилларда Оқтўба — Оренбург, Ашхабод фронтларида, 1920 йилда Бухоро амирлигини агдариб ташлашда қатнашиб, партия биринчи Программаси амалга оширилишининг иштирокчиси бўлганлигим билан фахрланаман. Кейин турли вазифаларда ишлаб, социализм қурувчиларининг олдинги сафида бўлишга интилдим. Ҳозир шахсий пенсионерман. Лекин халқимиз коммунизм сари забардаст қадамлар ташлаб бораётган бир пайтда ижтимоий ҳаётдан четда туриб, кузатувчи бўлиб қолишни истамайман. Коммунизм қурувчилар сафида бўлиш кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшади. Бу куч ва ғайратни жонажон партиямиз учинчи Программасининг бажарилиши учун сарфлаш билан бахтиёрман.

З. АЛИЕВ,
Тошкент трамвай-троллейбус тресги ҳаракат хизматининг бошлиғи, партия бюросининг аъзоси.

МЕНИНГ МУЛОҲАЗАМ

Шонли Компартиямиз Программаси проектида буюк Ленин даҳосининг ўлмас ва ўчмас ифодасини кўрмоқдамиз. Бу буюк ҳужжатда халқ қалбидаги эзгу орзу-умидлар ўз аксини топган, коммунизм қуриш йўли белгилаб берилган. Бу — халқ ва партиянинг монолит бирлигини кўрсатувчи ёркин далилдир. Программа проектининг КПСС съездидан бир неча ой олдин умумхалқ муҳокамасига қўйилиши ҳам шу бирликнинг порлоқ ифодасидир. Шу муносабат билан биз ҳам айрим мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Хитой Халқ Республикасининг социализм қуриш йўлидаги муваффақияти жуда катта. Хитой Халқ Республикасининг ташкил топиши жаҳон капитализмининг умумий кризисини янада чуқурлаштириб, социалистик лагерь куч-қудратини оширди.

Шу мулоҳазаларга мувофиқ Программа проектининг биринчи қисмидаги «Жаҳон социалистик системаси» деб номланган учинчи бўлимида Хитой пролетариати революцияси тарихий ғалабаси, хитой халқининг социализм қуриш йўлида эришаётган ютуқлари кенгроқ ёритилса, дурест бўлур эди.

О. ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шарқшунослик институтининг лаборанти.

ИЖОДИЙ МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ ҲУЖЖАТИ

Шундай ҳужжатлар борки, улар инсониятнинг олға томон юришини худди машъалдек ёритиб беради, истиқболларни кўрсатиб туради, кишиларда ижодий куч-ғайрат уйғотиб, уларни кураш пафоси билан илҳомлантиради. Маркс ва Энгельс ижод қилган революцион илмий тафаккурнинг буюк асари — Коммунистик Манифест зулм ва қуллиқнинг ҳар қандай формаларидан халос бўлиш учун, порлоқ келажак учун курашнинг мақсад ва методларини инсониятга биринчи марта кўрсатиб берган ана шундай ҳужжатдир. Партиямизнинг ишчилар ҳаракати тарихида биринчи марта самодержавиени, сўнгра эса буржуазияни ағдариб ташлашни ва пролетариат диктатураси ўрнатишни ишчилар синфининг амалий вазифаси қилиб қўйган биринчи Программаси ҳам ана шундай ҳужжат эди. Партиямизнинг тарихда биринчи марта янги, социалистик жамият қуришга етакчилик қилган ва совет халқини СССРда социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалабасига олиб келган иккинчи Программаси ҳам ана шундай ҳужжат эди.

Эндиликда КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми якдиллик билан маъқуллаган КПССнинг янги, учинчи Программаси проекти барча коммунистларнинг, СССРдаги ҳамма меҳнаткашларнинг кенг муҳокамасига қўйилди.

Партиянинг янги Программаси коммунизм қуриш Программасидир. Бу Программа барча кишиларни социал тенгсизликдан, зулм ва эксплуатациянинг барча формаларидан, уруш даҳшатларидан халос қилишдек тарихий вазифани бажармоқда ва ер юзидаги барча халқларга Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик ва Бахт-саодат бахш этмоқда.

Буржуа идеологлари ва ҳозирги замон ревизионистларининг марксизм-ленинизм эскириб қолди, унинг тараққиёти гўё турғунликка учради ва ҳоказо, деб қилаётган даъволари пуч эканлигини КПССнинг эълон қилинган Программа проекти яна ва яна бир марта исбот қилиб беради. Программа проекти социализм қуриш практикасини ижодий тарзда умумлаштиради, бутун дунёда революцион ҳаракат тажрибасини ҳисобга олади ва партиянинг коллектив фикрини ифодалаб, коммунистик қурилишнинг асосий вазифаларини ва асосий босқичларини белгилаб беради. Программа проектида ҳозирги замоннинг туб назарий ва сиёсий проблемалари марксча-ленинча илмий асосда анализ қилинган.

Программа проекти ижодий марксизм-ленинизмнинг тарихий ҳужжати, марксизм-ленинизмнинг ҳаққонийлиги ва енгилмаслигининг янги далилидир. Программа проекти Маркс, Энгельс, Лениннинг асосий қоидаларига суянид, ҳозирги замон ижтимоий ҳаётини объектив равишда илмий анализ қилиш асосида ана шу қоидаларни ривожлантиради ва бойитади. Программа проектининг биринчи қисмига «Капитализмдан коммунизмга ўтиш — инсониятнинг тараққиёт йўли», — деб сарлавҳа қўйилган. КПСС янги Программасининг проекти капитализмдан социализмга ўтишнинг тарихий муқаррарлигини исботлаб беради.

Бутун жаҳон капиталистик системаси пролетариатнинг социал революцияси учун етилди. Лекин империализм даврида капиталистик мамлакатлар иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг нотекислиги революцияларнинг турли мамлакатларда турли вақтларда содир бўлишига олиб келади.

Программа проекти дунёда биринчи бўлиб бизнинг мамлакатимизда пролетариат диктатураси ўрнатилганидан буён ўтган давр ичида инсоният тўплаган янги тарихий тажрибани марксча-ленинча позицияда туриб ижодий равишда умумлаштириб беради. Программа проектида Октябрь революциясининг ва СССРда социализм ғалабасининг оламшумул-тарихий аҳамияти қисқа, илмий жиҳатдан чуқур ва ишонарли баён қилинган, совет халқининг қиёс қилиб бўлмайдиган оғир шароитда ёлғиз ўзи халқаро империализмнинг шиддатли ҳужумларини енгиб, жуда катта маҳрумликларни бартараф қилиб, социализм қуришнинг ленинча планини амалга оширишда кўрсатган қаҳрамонона жасорати очиб берилган. Бунда халқнинг ўз куч-ларига бўлган ишончини мустаҳкамлаган, унинг курашига етакчилик қилган Коммунистик партиянинг хизмати ғоят каттадир. Жуда мураккаб шароитларда партия белгиланган мақсадга эришишнинг энг яқин йўлларини излаб топди шубҳаланувчилар ва таслимчилар, троцкийчилар, ўнг оппортунистлар, миллий оғмачилар ва партияни Ленин йўлидан тойдиришга уринган ленинизм душманларининг бошқа гуруҳларини тор-мор келтирди.

Совет кишилари социализм қуришнинг асосий проблемаларини: мамлакатни индустриялаштириш, қишлоқ хўжалигини ленинча кооперативлаштириш плани асосида социалистик негизда қайта қуриш, маданий революция проблемаларини ғолибона ҳал қилдилар. Шундай қилиб, **«муқаррарлиги Маркс ва Энгельс томонидан илмий равишда олдиндан айтиб берилган социализм қуриш плани, Ленин томонидан чизиб берилган социализм Совет Иттифоқида реал воқеликка айланди».** Программа проекти совет халқи илгари ҳеч ким томонидан синаб кўрилмаган ҳолда босиб ўтган йўлининг асосий сабоқларини якунлаб, қатъийлик билан таъкидлайди:

«Совет халқининг фидокорона меҳнати, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг назарий ва амалий фаолияти натижасида **инсоният реал мавжуд бўлиб турган социалистик жамиятга ҳамда тажрибада синалган социализм қуриш тўғрисидаги фанга эга бўлди. Социализмга олиб борувчи тўғри йўл очилди.** Кўпгина халқлар шу йўлдан бормоқда, эртами-кечми ҳамма халқлар ҳам шу йўлдан боради».

СОЦИАЛИЗМ — БУТУН ИНСОНИЯТНИНГ ИСТИҚБОЛИ

Партиямизнинг иккинчи Программаси қабул қилинганидан бери халқаро вазият тубдан ўзгарди. Эндиликда коммунистик қурилиш вазифаларини Совет Иттифоқи ёлғиз ўзи эмас, балки социалистик мамлакатларнинг қардошлик оиласида ҳал қилмоқда. Программа проектининг алоҳида бўлими **жаҳон социализм системаси** қандай вужудга келганлигини анализ қилишга бағишланади. Совет халқининг социализм қуриш тажрибаси эндиликда бир қанча мамлакатларнинг коллектив тажрибаси билан бойитилди. Бу мамлакатлар жамиятни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ташкил этиш формаларига кўпгина янги ва ўзига хос масалаларни киритдилар. Халқаро революцион ҳаракатнинг энг қимматли бойлиги бўлган бу тажриба яна бир марта шуни кўрсатдики, социалистик революция ва социалистик қурилиш процесслари социализм қуриш йўлига ўтган ҳам ма мамлакатларга хос бўлган бир қанча **асосий қонуниятларга** таянади.

Жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши мамлакатлар ўртасида иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг янги типини майдонга чиқарди. Бу мамлакатлар учун тўла тенг ҳуқуқлилик, мустақилликни ва суверенитетни ҳурмат қилиш ва қардошларча ўзаро ёрдам ана шу муносабатларнинг характерли белгиларидир.

Проектда айтиладики, жаҳон социалистик системасининг тажрибаси капитализмдан ажралиб чиқувчи мамлакатларнинг **мустаҳкам иттифоқи** зарурлигини, уларнинг куч-ғайратини социализм ва коммунизм қуришда бирлаштириш зарурлигини тасдиқлади. Социалистик мамлакатларнинг жаҳон миқёсидаги дўстлигидан ажралиб якка ҳолда социализм қуриш йўли назарий жиҳатдан асоссиздир. Чунки бу социалистик жамият тараққиётининг объектив қонунларига зиддир. Бу йўл иқтисодий жиҳатдан зарарлидир. Чунки у ижтимоий меҳнатнинг исроф бўлишига, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларининг пасайишига ҳамда мамлакатнинг капиталистик дунёга қарам бўлиб қолишига олиб боради. Бундай йўл сиёсий жиҳатдан реакцион ва хавфли йўлдир, чунки у империалистик кучларнинг бирлашган фронти олдида халқларни жипслаштирмайди, балки ажратиб юборади, буржуа миллатчилик тенденцияларини кучайтириб юборади ва пировардида социалистик ғалабалардан маҳрум бўлишга олиб келиши мумкин.

Программадаги бу қоиданинг тўғрилигини Югославиянинг аянчли тажрибаси яққол тасдиқлайди. Югославия халқи ҳам социализм қуриш йўлига ўтди. Лекин Югославия раҳбарлари ўзларининг ревизионистик сиёсатлари билан Югославияни социализм лагерига ва халқаро коммунистик ҳаракатга қарши қилиб қўйдилар ва югославия халқининг революцион ғалабаларидан маҳрум бўлиши хавфини вужудга келтирдилар.

Жаҳон социалистик системасидаги ҳар бир давлатнинг манфаатлари умумий манфаатларга мос келади. Жаҳон социалистик системаси капитализм билан иқтисодий мусобақада ҳал қилувчи ғалаба қозониш йўлидан ишонч билан олға бормоқда. Унинг жаҳон тараққиёти процессига таъсири тобора ўсмоқда. Бу система бўлажак инсоният учун намунадир.

Программа проектида империализмнинг ҳозирги системаси марксча-ленинча асосда чуқур анализ қилиб берилган. Бу анализ капитализмнинг биринчи жаҳон уруши ва Октябрь революцияси билан бошланган умумий кризиси эндиликда ўз тараққиётининг авваллги икки босқичидагига нисбатан жаҳон уруши билан боғлиқ бўлмаган учинчи янги босқичига кирди, деб айтишга тўла асос беради.

Проектда халқаро реакциянинг асосий таянчи, умумий тинчликка, халқлар озодлиги ва мустақиллигига асосий хавф солиб турган жаҳон эксплуататори ва жаҳон жандарми — Америка империализмининг ҳозирги замондаги машъум роли очиб берилади.

«Жаҳон империалистик системаси чуқур ва кескин зиддиятлар натижасида емирилмоқда. Меҳнат билан капитал ўртасидаги антагонизм, халқ билан монополистлар ўртасидаги зиддиятлар, ўсиб бораётган милитаризм, мустамлака системасининг емирилиши, империалистик мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар, ёш миллий давлатлар билан эски мустамлакачи давлатлар ўртасидаги низо ва зиддиятлар ва, энг муҳими, жаҳон социализмининг ғоят тез ўсаётганлиги — империализм заминини бўшаштирмоқда ва емирмоқда, уни заифлаштирмоқда ва ҳалокатга олиб бормоқда». Империализмнинг ҳозирги замон кризисига илмий жиҳатдан объектив равишда берилган анализга асосланган хулоса ана шундай.

КПСС — халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг отрядларидан биридир. КПСС СССРда коммунизм қуришни совет халқи олдидаги ўз вазифаси деб ҳисоблабгина қолмай, шу билан бирга, ўз интернационал бурчини бажариш деб ҳам қарайди. Шунинг учун ҳам табиийки, партиямиз Программаси проектида ҳозирги замон халқаро революцион ҳаракати барча коммунистик ва ишчи партияларининг коллектив тажрибасига асосланиб, батафсил анализ қилиб берилган. КПСС ревизионизм, догматизмга ва сектантчиликка қарши, ленинизмдан ҳар қандай чекинишларга қарши, бутун дунё коммунистлари улуғ армияси сафларининг бирлиги ва жипслиги учун марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принциплари асосида кураш олиб боришни барча коммунистик ва ишчи партияларнинг муқаддас бурчи деб ҳисоблайди.

КПСС мустамлакачилик ва ирим мустамлака кишанларини парчалаб ташлаган халқлар билан қардошларча иттифоқ бўлишни ўз халқаро сиёсатининг энг муҳим негизларидан бири деб билади, дейилади Программа проектида. Бу иттифоқ жаҳон социализми билан жаҳон миллий озодлик ҳаракатининг ҳаётий манфаатларининг бирлигига асосланган дир.

Программа проектида икки идеология: коммунистик идеология билан буржуа идеологияси ўртасидаги кураш илмий жиҳатдан характерлаб берилади. Бу характеристика инсониятнинг маънавий ҳаётида капитализмдан социализмга ўтишнинг тарихий процессини акс эттиради. Программа проектида буржуа идеологиясининг халққа қарши, фанга қарши табиати очиб ташланади.

Буржуазия ишчилар синфига ва унинг марксча-ленинча партияларига қарши олиб бораётган курашида эндиликда социализмдан очиқдан-очиқ воз кечаётган, буржуа жамиятида антагонистик синфлар борлигини ҳатто инкор қилаётган ўнг социал-демократлар орасидан, шунингдек коммунистик партиялар ичидаги ревизионистлар орасидан ўзига иттифоқчилар қидириб топмоқда.

Марксизм-ленинизм ғоят катта ғалаба қозонди ва юз миллионларча кишиларнинг дунёқарашини бўлиб қолди. Марксизм-ленинизмнинг буржуазия устидан ва реформистик идеология устидан тўла ва узил-кесил ғалаба қозониши аввалдан белгиланган эди. Чунки марксизм-ленинизм ишчилар синфининг, бутун инсониятнинг асосий кўпчилигининг ҳаётий манфаатларини ифодалайди, капитализмнинг ўрнини эгаллаш учун тўхтовсиз олға бораётган янги жамиятнинг идеологиясини ифодалайди.

ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ АСОСИЙ МАСАЛАСИ

Программа проектида ҳозирги замоннинг асосий масаласи — тинч-тотув яшаш ва умумий тинчлик учун кураш масаласи батафсил қараб чиқилган. Социалистик мамлакатлар билан капиталистик мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши мумкинлиги алла кимнинг истаги ҳам, назарий жиҳатдан мақбул формула ҳам эмас. Уларнинг тинч-тотув яшаши мумкинлиги инсоният жамияти тараққиётининг объектив зарурятидир. Уруш — халқларнинг манфаатларига тамомила бегонадир. Уруш халқаро низоларни ҳал қилишнинг воситаси бўлиб хизмат қила олмайди ва хизмат қилмаслиги керак. Тинч-тотув яшаш йўлини ёки инсониятга бениҳоя кўп офатлар келтирадиган ҳалокатли ядро уруши йўлини танлаб олиш муаммоси ўртага қўйилган ҳозирги шароитда бу айниқса очиқ-равшан кўриниб турибди.

КПСС, совет халқи, бутун социалистик лагерь умумий тинчлик ва халқлар хавфсизлигини қаттиқ туриб қўриқламоқдалар, тинч-тотув яшаш сиёсатини изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Бу сиёсат КПСС ва Совет ҳукумата таш-

ТИТОВЛАР ГАГАРИНЛАР МЕҲМОНИ

СМОЛЕНСК, 17 август, (ТАСС). Гагаринлар онласи кеча Гжатскдаги ўз уйида азиз меҳмонларни — космонавт Герман Титовнинг ота-онасини кутиб олди. Бу мисли̇з жасоратлари билан Ватан шуҳратини оширган ажойиб фарзандларни тарбиялаб ўстирган оталар ва оналарнинг ҳаяжонли учрашуви бўлди.

Н. С. Хрушчев Ю. Гагарин билан Г. Титовни самовий биродарлар деб атади. Уларнинг ота-оналари: Алексей Иванович ва Анна Тимофеевна Гагаринлар билан Степан Павлович ва Александра Михайловна Титовлар ҳам яқин қардошлардек учрашдилар. Стол атрофида жаҳонда биринчи космонавт онласининг қардошлари ва дўстлари тўпланишди, дўстона суҳбат бошланиб кетди.

Гагаринлар меҳмонларга ўз уйларини, боғларини кўрсатдилар, қадимий Гжатск шаҳрининг тарихи ҳақида гапириб бердилар, улар билан бирга кўчаларни айланиб чиқдилар Бугун Титовлар Гжатскдан жўнаб кетар эканлар, Гагаринларни ўзларига, Олтой ўлкасига меҳмон бўлиб келишга таклиф этдилар.

Жаҳонда биринчи космонавт майор Ю. А. Гагарин бундан олдинги кун Гжатскка келиб кетди. У корхоналарда нутқ сўзлади. Радишчев номли колхозга бориб келди. Колхоз паркида космонавт ўз ҳамкишлоқлари билан учрашди. Самимий суҳбат вақтида у ўз ҳамкишлоқларига ўзининг «Восток-1» кемасида космосга қилган парвози ҳақида, Европа ва Америка мамлакатларига яқинда қилган сафари ҳақида гапириб берди.

ЯНГИ КИШИНИ МЕҲНАТ ЖАРАЁНИДА ТАРБИЯЛАЙЛИК

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ АКТИВИНИНГ ИЙҒИЛИШИДАН

<>

Совет кишилари партия ва халқнинг бахт-саодати йўлида, тинчлик ва коммунизм йўлида ижодий меҳнат қилишни ўз ҳаётининг мақсади ва ҳусни деб, илҳом ва ижодий қувончнинг абадий тугалмас манбаи деб биладилар. 17 августда бўлиб ўтган шаҳар партия, совет активи йиғилиши Тошкент партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг кишиларни меҳнат жараёнида тарбиялаш ҳамда текинхўрлик фактларига қарши курашни кучайтириш соҳасидаги ишларини яхшилаш масалаларига бағишланган эди. Йиғилишда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. М. Муртазоев доклад қилди.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилдики, республика пойтахтининг партия ва жамоат ташкилотлари меҳнаткашларни коммунистик онглилик руҳида тарбиялаш учун кўп иш қилмоқдалар. Етти йиллик топшириқларини б а ж а р и ш д а, КПСС XXII съездига тайёргарлик кўришда эришилган муваффақиятлар ана шу ишнинг бевосита натижасидир. КПСС Программаси ва Уставининг проектлари, мамлакатимизда коммунизм қуришнинг партия белгилаб берган улуғвор перспективалари Тошкент меҳнаткашларининг ижодий активлигини янада оширб юборди. Шаҳар ишчилари ва интеллигенцияси коммунизм қурувчининг маънавий қиёфаси ҳақидаги кодексни, яъни Бизд олдга ҳужжатларида баён этиб берилган ва Ватанга фидокорона хизмат қилишни совет кишисининг ҳатти-ҳаракатидаги асосий қоида қилиб тасдиқлайдиган кодексни баланд руҳ билан кутиб олдилар. Бу кодекснинг ажойиб хусусиятлари коммунистик меҳнат мусобақаси қатнашчиларининг ишида кўриниб турибди. Бу ҳаракат кенг авж олди. Тошкент корхоналарида 900 бригада, 32 цех ва 3.100 ишчи коммунистик меҳнат коллективи ва зарбдори деган номни олишга муяссар бўлди. 3.498 бригада, 337 цех ва смена шу фахрий номни олиш учун курашмоқда.

Шу билан бирга докладда ва музокарага чиқувчиларнинг сўзида қайд қилиниб ўтилдики, ўтмишнинг сарқитларидан қутилмаган ва ўз меҳнати билан жамиятга фойда келтирмаган ҳолда, ҳамма моддий неъматлардан фойдаланишга уринаётган кишилар ҳали бор. Халқимиз партия раҳбарлигида коммунизмга ўтаётган ҳозирги вақтда текинхўрларга қарши курош айниқса катта аҳамиятга эга.

Киров район ижроия комитетининг раиси А. В. Браилов, 1-пойафзал фабрикасининг директори М. А. Шомуҳитдинов ва бошқалар ўз сўзларида айрим корхона ва қурилишларда сабабсиз ишга чиқмаслик ҳолларига ва меҳнат интизомини бошқача бузишларга йўл қўйилаётганлигини айтдилар. Партия ва совет органларидаги баъзи раҳбарларнинг ижтимоий-фойдали меҳнатдан бўйин товлаётган кишиларга бефарқ қараб келаётганликлари, уларга нисбатан жамоатчилик йўли билан ва маъмурий йўл билан қаттиқ чоралар кўрмаётганликларэ сира нормал бўлмаган бир ҳолдир.

Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, «Узбексельмаш» заводининг мастери В. Е. Петросян, пенсионер И. М. Гринпас, шаҳар милиция бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М. А. Аҳмадхўжаев, «Таштекстиль швейобувьторг» директорининг ўринбосари А. И. Скоробогатова ва йиғилишнинг бошқа бир қанча қатнашчилари хусусий мулкчилик майллари кўринишларига қарши, давлатдан кўпроқ юлиб олишга ҳаракат қиладиган, чайқовчилик билан, социалистик мулкни ўғирлаш, порахўрлик билан шуғулланувчи кишиларга қарши энг қатъий кураш олиб бориш зарурлиги тўғрисида масала қўйдилар.

Ленин район партия комитетининг секретари В. В. Окунский ва Куйбишев район ижроия комитети раиси Ҳ. Ғ. Ғуломов ўз нутқларида шаҳар корхоналари ва муассасаларида ичкиликбозликка ва бошқа ножўя ҳаракатларга ўрин қолмайдиган вазият вужудга келтириш, шаҳарда безориликка қатъиян хотима бериш зарурлигини таъкидладилар. Маъмурий органларга кенг жамоатчилик янада кўпроқ ёрдам берган тақдирда, жамоат тартибини сақлайдиган халқ дружиналарининг ҳаммаси активлаштирилган тақдирдагина бу ишни муваффақиятли амалга ошириш мумкин.

Ҳозирги вақтда энг муҳим вазифа шундан иборатки, деб таъкидланди йиғилишда, партия, совет, касаба союз, хўжалик, комсомол ташкилотлари текинхўрларга, безориларга, ножўя ишларни қилувчи кишиларга қарши курашда тарбиявий ва маъмурий йўл билан таъсир кўрсатишнинг ҳамма воситаларидан яхшироқ, дадил фойдаланишлари лозим. Шунга эришиш керакки, жамоат тартибига хилоф бўлган ҳар қандай ишларни ва ҳатто шу хил майда-чуйда ишларни ҳам жамоатчилик қаттиқ қораласин, ҳар бир коммунист, комсомол аъзоси, ҳар бир совет граждани одамларнинг онгидаги ва ҳатти-ҳаракатидаги ўтмиш сарқитларига қарши актив кураш олиб борсин.

Партия активи йиғилиши муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзолари М. А. Абдураззоқов, Г. Ф. Наймушин, З. Р. Раҳимбоева, Ш. Р. Рашидов, Ф. Е. Титов қатнашдилар. (ЎзТАГ).

ТЕХНИКА РЕМОНТИ ПАЙСАЛГА СОЛИНМОҚДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР СОВХОЗЛАР ТРЕСТИ ДИққАТИГА

<>

Машина терими пахтачиликда техника тараққиётининг асосий звеноси бўлиб қолмоқда. Пахтани машинада териш юзасидан олинган мажбуриятлар техника ўз вақтида сифатли ремонт қилинсагина муваффақиятли бажарилиши мумкин. Бироқ, Қорақалпоғистон АССР совхозларининг кўпгина раҳбарлари пахта териш техникасини ремонт қилишга масъулиятсизлик билан қарамоқдалар.

Текшириш шуни кўрсатдики, автоном республикадаги кўпчилик совхозларда терим машиналарини ремонт қилиш пайсалга солинмоқда. «Кегайли» совхозида (директори Маткаримов, бош инженери Прокудин ўртоқлар) техника ремонти ҳаддан ташқари суст боромоқда. Совхозда 60 та терим машинаси бор, шундан 14 таси янги олинган. Қолган 46 таси ремонт қилиниши лозим. Аммо эндигина 10 таси ремонт қилинган. 29 та кўсак чувиш машинасидан 8 таси тахт қилинган. Кўсак чувиш машиналарини ремонт қилишда бор йўғи 4 киши ишламоқда.

Совхоз раҳбарлари «СХМ-48» маркали терим машиналарини эскириб қолган, деб ремонт планига ҳам киритмаганлар. Ахир бундай машиналар совхозда оз эмас — 18 та. Бу техника билан қанчаданқанча пахта териш, совхоз ишчиларининг юкини енгил қилиш мумкин-ку! Шунингдек 25 та кўрак терадиган машина ҳам ремонт қилинмай турибди.

«Тахтакўпир» совхозида (директори Усаков, бош инженери Қамисбоев ўртоқлар) ремонт қилиниши лозим бўлган 18 та машинадан 3 таси тайёр қилинган. Кўсак чувиш ва кўрак териш машиналари ремонти бошланмаган.

«Кенес» совхозининг раҳбарлари Пирниёзов ва Морозов ўртоқларнинг эътиборсизлиги кишини таажжублантиради. Бу совхозда 32 та пахта териш машинаси, 18 та кўсак чувиш ва 21 та кўрак териш агрегатини ремонт қилиш ҳали ҳам бошланган эмас. «Чимбой» совхозида ҳам техника ремонти ана шундай аҳволда.

Қорақалпоғистон совхозлар трести (раҳбарлари Б. Аминов, М. Арнаутов ўртоқлар) совхозларда пахта териш машиналарини ремонт қилишдаги қолоқликни тезда тугатиши керак.

Колхоз ва совхозларимиз қишлоқ хўжалик машиналари билан мукаммал таъминланган. Бу эса механизациялашган ишларни тўғри ташкил этиш, машиналарни яхши асрашни талаб қилади. Маълумки, қишлоқ хўжалик машиналарининг кўп қисми, одатда, анча вақт бекор туради. Культиваторлар баҳор ва ёз ойларида ишлатилади, терим машиналари эса кузда бир ярим-икки ой ишлайди, холос, чигит экадиган сеялкалар атиги бир ой ишлатилади. Қолган вақтларда улардан фойдаланилмайди. Шунинг учун ҳам бу машиналарни тўғри сақлаш ва асрашга эътибор бериш керак.

Лекин бу соҳада ҳам Қорақалпоғистон АССР совхозларида жиддий нуқсонлар содир бўлмоқда. Машиналар эгасизларча сақланмоқда.

«Кегайли» совхозининг марказий устахонасида бу йил сира ҳам фойдаланилмаган иккита дон экадиган сеялка, 2 та пичан пресслайдиган машина, 50х50 сантиметр схемасида чигит экадиган 12 та сеялка очиқ-очиқ ҳолда занглаб ётибди. Культиваторларнинг 10 та ротацион иш органи чуқурга ташлаб қўйилган.

Дала ишларидан бўшаган техникани сақлаш ҳам ташкил этилмаган. Сеялкалар далаларда қолиб кетган. Динамометрларнинг пружиналари бўшаштирилмаган. 29 та кўсак чувиш машинасининг юлдузчалари, тўри ва бошқа қисмлари тозаланмаган ҳолда турибди. Трактор плуглари, ер текислаш машиналарини сақлаш ҳам ана шундай аҳволда.

Техникани сақлашга бепарволик билан қараш «Тахтакўпир» ва «Кенес» совхозларига ҳам таалуқлидир. «Тахтакўпир» совхозида 103 культиватор бор, деб ҳисобланади. Далада ишлатилаётгани эса 79 та холос. Қолган культиваторларнинг қисмлари талонторож қилиб юборилган. «Кенес» совхозида шу йўл билан 55 та трактор культиватори йўқ қилиб юборилган. Янги олинган «ХВС-1,2» терим машиналари ҳам эгасизларча сақланмоқда.

«Октябрь 40 йиллиги» совхозининг (директори Мажидов, бош инженери Ережепов ўртоқлар) ишлаб чиқариш-техника базасига кирган киши бу ерда машиналар эмас, балки металл парчалари сақланмоқда, деб ўйлайди. Бу ерда деҳқонларнинг юкини енгил қилаётган машиналар шу қадар увол қилинмоқдаки, ҳар қандай виждонли киши бу аҳволга чидаб туролмайди.

«СХМ-48М» машиналари қандай сақланаётганлигини айтиб ўтайлик. Бундай машиналар 30 га яқин. Уларнинг бункерида ўтган йилги чиқитлар турибди. Шунингдек шпинделларда, камераларда пахта чиқитлари тўлиб ётибди. Машинанинг бўялмаган иш органлари занглаб кетган. Айрим тракторларда цилиндр блокларининг қопқоқлари йўқ. Айримларида баклари кўринмайди. Машиналар қисмларга ажратилиб, ташлаб қўйилган. Бошқа техника ҳам ана шундай ётибди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Қорақалпоғистон совхозлар трестининг раҳбарлари техникани сақлаш ва асраш каби муҳим вазифага масъулиятсизлик билан қарашга одатланиб қолганлар. Совхоз раҳбарларидан техникани тўғри сақлашни талаб қилмаганлар. кўпгина район партия ва совет органлари эса техникани сақлаш ва асраш юзасидан назорат қилишни унутиб қўйганлар.

Ўз штатида техника инспекторлари бўлган «Узсельхозтехника» Қорақалпоғистон республика Бирлашмаси ва унинг район бўлимлари ҳам бу ишга етарли раҳбарлик қилмаган. Бундай аҳвол билан сира келишиб бўлмайди. Қорақалпоғистон АССР совхозларида терим машиналарини ремонт қилиш, техникани сақлаш ва асраш ишларини тубдан яхшилаш лозим. Хўжаликларнинг раҳбарларидан Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхоз ва совхозларида техникани сақлашни яхшилаш тўғрисида»ги қарорини сўзсиз бажаришни талаб қилиш керак.

А. С. КРИВОШЕЕВ,
И. Ф. ЛЕСНЯК,
«Узсельхозтехника» Республика бирлашмаси Давлат техника назорати инспекциясининг инженерлари.



ТРАКТОР: Бузуқ ҳолда ётаберамизми!
А. Холиқов чизган расм.

Ҳар тўғрида БИР ШИНГИЛ

⊙ ДЕНОВ районидаги Сталин номли колхоз марказида заказ олиб кийим-кечак тикадиган ишхона очилди.

Р. МАЪДИЕВ.

⊙ ЧИРЧИҚ ўлкашунослик музейида «Коммунистик меҳнат ва юксак маданият шаҳри» номини олиш учун бошланган курашга бағишлаб янги фото виставка ташкил этилди.

П. ЗОЛИНА.

⊙ МАРҲАМАТ район маданият бўлими ташаббуси билан ўқлан ортиқ кутубхона колхоз дала шийпонларига кўчиб чиқарилди. 30 дан ортиқ шийпонда қизил бурчак ишлаб турибди.

А. ЭРАЛИЕВ.

⊙ ТОШКЕНТ — ҚЎҚОН магистрал йўли бўйидаги Пулғом қишлоғида қурилган уч қаватли меҳмонхона йўловчиларга совға бўлди.

Ш. ҚУРБОНОВ.

Муросасизлар сигнали

«ЯХШИМБОЙНИНГ БАҲОСИ»

Шовот районидаги Ленинград колхозининг Карл Маркс участкасига жойлашган магазинда моллар «Яхшимбойнинг баҳоси» билан сотилмоқда. Магазинга ун, гуруч, чой, қанд каби истеъмол моллари келиб туради. Лекин бу молларни магазин мудири фирибгар Яхшимбой Қурбонов колхозчиларга сотмай, Гурлан, Шовот бозорларига чиқариб ортиқча баҳода пуллаяпти.

Қўли эгри Яхшимбой ҳар юмалоқ чойга 10 тийин, бир килограмм қандга 15-20 тийин, бир шиша аракка 70 тийиндан ортиқча баҳо қўйиб сотмоқда. Бундай эгри ишлардан район матлубот жамияти раҳбарлари хабардор бўлсалар ҳам «Яхшимбойнинг баҳоси»ни қораламаяптилар.

А. ЖАКФАРОВ,
Ж. РАЖАБОВ.

БАЗАДАГИ ПАШШАЛАР

Қўқон шаҳридаги область заготскоти жойлашган база ходимлари чиқиндиларни четга чиқариб ташлашдан зерикиб, ён-верига тўкиб қўйишяпти. Натижада база жойлашган территория пашша уруғийдиган жойга айланиб қолмоқда.

Ходимлар вижиллаб ётган пашшаларни «ўзимизнинг пашшалар» деб, улар билан муроса қилишяпти.

С. ГИЁСОВ.

СУВСИЗ ҚУДУҚЛАР

Шу йил январь-март ойларида артезиан қудуқлари қазувчи группа Каттақўрғон район, Дамхўжа қишлоғига келиб ишга киришди. Лекин иш охиригача етказилмади. Қудуқ қазувчилар «сув чиқмади» баҳонаси билан кетиб қолишди. Қишлоқ аҳолисининг талаби билан яна 2-3 жойдан қудуқлар қазилди. Сув ҳам чиқди. Лекин ундан фойдаланиш билан ҳеч ким шуғулланмади. Натижада аҳоли яна зах сувдан истеъмол қилишга мажбур бўляпти. Каттақўрғон район қурилиш бошқармаси ўзи бошлаган ишни ўлда-жўлда қолдирмай, охирига етказиши керак.

С. ҚУЧҚОРОВ,
Р. УЛУҒМУРОДОВ.

ЯНГИ ПУНКТ

СИРДАРЁДАГИ Тарас Шевченко номли колхоз территориясида янги пахта тайёрлаш пункти қурилаётир. Пунктга Охунбобоев номли, Шевченко номли, М. Горький номли ва «Гигант» колхозларида етиштирилаётган янги пахта ҳосили топширилади.

П. РАҲИМОВ.

МЕҲНАТКАШЛАР ХАТЛАРИ ИЗИДАН

ФИРИБГАРЛАР

Қаршиликлар: «Савдо базаси — дарё, Эргаш—кема, Исомиддин — эшкак» дейишади. Бу нима дегани? Бу — Саломатов укаси Эргаш билан биргаликда ўғирлик кемасини ҳоҳлаган вақтида ҳоҳлаган томонига, тўғрироғи «сўл томон»га қараб юритаверади, деганидир.

Редакцияга келган бир хат шу сўзлар билан бошланади. Унда Сурхондарё область матлубот союзининг Қарши шаҳридаги база мудири Исомиддин Саломатовнинг жинояти фош этилган.

— Китоб районига юборилган 100 яшик конфетнинг ҳар яшигидан бир ярим килограммдан уриб қолинди, дейилади хатда, — Улар оқ ёққа туз ва сув қўшишиб, папирос, чой ва совун яшикларини очиб, унинг бир чеккасини ўпириб, ўрнига пахта ёки қоғоз тиқиб қўйишни, печенье ва макаронларнинг яшигига ёзилган сорт ва нархларни ўзгартиришни одатга айлантирдилар. Ўтган йили Қарши район ижроия комитетининг раиси Жумаевнинг тўйи учун келтирилган оқ ёгдан туз ва сув чиққани учун бу ишни қилган Саломатов эмас, Мирзон қишлоқ магазин мудири Раҳмонова гуноҳсиз ҳолда ишдан олинди. Саломатов устидан тушган шикоятларни область матлубот союзининг Қашқадарё зонасидаги савдо базасининг директори Абдуллаев бости-бости қилиб келмоқда.

Ҳақиқатан ҳам Қарши савдо базасининг омбор мудирлиги Саломатов учун катта бойлик тўплаш манбаи бўлди. У куппа-куидуз куни ўғирлик қилди. Районларга жўнатилаётган ҳар бир шиша ичимлик устига ўн сўмдан солиқ солиб бир кунниг ўзида минг сўмга яқин пул ўмарди. Ҳаромхўрлик билан тўпланган маблағлар эвазига осонгина янги машинага ва ҳашаматли уйга эга бўлди.

Бу хатни редакция Қарши район прокурорига юборган эди. Прокурорнинг жавобига қараганда кўрсатилган фактлар тасдиқланиб, Саломатов жиноий жавобгарликка тортилган. Лекин, шуниси ҳайрон бўларлики, хатда Саломатовнинг укаси Эргашнинг бу жиноятдаги иштироки, Абдуллаевнинг уларни ҳимоя қилиб келгани аниқ кўрсатилгани ҳолда прокурор бу ҳақда ҳеч нарса демаган. Афтидан Қарши район прокурорининг Эргаш Саломатов ва Абдуллаевларнинг ҳатти-ҳаракатини фош этишга «тиши» ўтмаганга ўхшайди!



Сурхондарё областида маҳаллий жўхоридан силос бостириш кизгин давом этмоқда. «Ҳазорбоғ» тажриба-намуна совхозида силос комбайнини маҳаллий жўхори ва оқжўхори ўришга мослаштириб, силос бостирмоқдалар. СУРАТДА: ўрим пайти.

Т. Айрапетов фотоси.

қи сиёсатининг негизидир ва у социализмнинг тобора ўсиб бораётган куч-қудратига асосланади, агар империалистлар янги жаҳон урушини очишга журъат қилсалар халқлар ўзларини ҳалокатли урушга солиб келган бу тузумни супуриб ва кўмиб ташлайдилар, деган ишончга асосланади. «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тинчлик ва халқлар дўстлиги байроғини баланд кўтариб боради». — партиямиз программасида айтилган бу сўзларни бутун дунёдаги эрксевар кишиларнинг ҳаммаси баланд руҳ билан кутиб олди.

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ АВЛОДИ КОММУНИЗМ ДАВРИДА ЯШАЙДИ

Мамлакатимизнинг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари, инсоният тақдирининг қадр-қимматини биладиган ҳамма кишилар КПССнинг коммунистик жамият қуриш соҳасидаги вазифалари баён қилинган Программа проектининг иккинчи қисмини зўр тўлқинланиш, катта қизиқиш ва ўз партияси ҳамда Ватанидан фахрланиш туйғулари билан ўқимоқдалар. Маркс ва Энгельс баён қилиб берган, Ленин ривожлантирган коммунизмнинг буюк идеялари инсоният тарихида биринчи марта коммунистик жамият қуришнинг илмий жиҳатдан асосланган, коммунистик жамият қурилишининг асосий вазифалари ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилган конкрет планга айланди.

Дунёдаги ҳамма кишилар, дўстларимиз ҳам, душманларимиз ҳам эндиликда планларимизнинг улуғворлигига қўникиб қолдилар.

Программа проектида коммунизм, унинг ишлаб чиқарувчи кучлари, ижтимоий муносабатлар, коммунистик жамият кишиси — граждани ҳар тарафлама таърифлаб берилади.

Программа проектида бажариладиган конкрет вазифалар ишлаб чиқилган. Бу вазифаларнинг бажарилиши — бутун инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизм бизнинг мамлакатимизда йигирма йил ичида асосан қурилади, демакдир. Коммунистик жамият қуриш шундан кейинги даврда батамом тугалланади.

Программа проекти бунинг учун икки ўн йилда **коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришни** партия ва халқнинг асосий иқтисодий вазифаси қилиб қўяди. Ўн йилликда саноат маҳсулотининг ҳажми 2,5 баравар, 20 йил ичида эса 3,5 баравар кўпайтиришни таъминлайди.

Халқнинг бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш — партиянинг олий мақсадидир. Партия Программа проектида: **Совет Иттифоқида ҳар қандай капитализм мамлакатидагига қараганда энг юксак турмуш даражасини таъминлаш вазифасини қўймоқда.**

Оламшумул-тарихий аҳамиятга эга бўлган бу вазифанинг бажарилишига нарх-навони камайтириш ва аҳолидан олинадиган солиқларни бекор қилиш билан бирга меҳнаткашларнинг қилган меҳнатининг миқдори ва сифатига қараб индивидуал ҳақ тўлашни амалга ошираборишни йўли билан ва жамият аъзолари ўртасида уларнинг меҳнатларининг миқдори ва сифатига қарамай, яъни бепул тақсимланадиган ижтимоий фондларни кенгайтириш (билим бериш, даволаш, пенсия билан таъминлаш, болаларни болалар муассасаларида боқиб тарбиялаш, коммунал хизматлардан ва шу кабилардан бепул фойдаланишга ўтиш) йўли билан эришилади.

Программа проекти партиянинг давлат қурилиши ва социалистик демократияни янада ривожлантириш соҳасидаги вазифаларини баён қилиб беради. Программа проектида пролетариат диктатурасининг тарихий тақдири, коммунизм ва давлат проблемалари назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган.

Пролетариат диктатураси ишчилар синфининг буюк ғалабасидир. Пролетариат диктатурасисиз синфсиз жамият қуриш мумкин эмас. Лекин пролетариат диктатураси марксизм-ленинизм асосчилари бирнеча марта аниқ-равшан қилиб айтганларидек, тарихий жиҳатдан шартли характерга эгадир. Жамият сиёсий тузилишининг, капитализмдан социализмга ўтиш давридаги давлат типининг бу формаси ҳар қандай синфий ҳукмронликни ва ҳамма синфларни тугатиш қуролидир. Ишчилар синфи инсоният тарихида шундай ягона синфдирки, у, ўз ҳокимиятини абадийлаштиришдан манфаатдор бўлмай, балки аксинча, ўз ҳокимиятидан бутун халқни озод қилиш учун, уни **мустақил тарихий ижодиётга кўтариш** ва ўз диктатурасининг аста-секин барҳам топиши билан бутун халққа қўшилиб кетиши учун фойдаланади.

Шунга кўра, Программа проектида давлатни идора қилишнинг демократик принципларини ривожлантириш, жамоат ташкилотларининг ролини ошириш йўллари белгилаб берилган.

Программа проектида партиянинг миллий муносабатлар соҳасидаги вазифалари ҳам белгилаб берилган.

Партия коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ва коммунистик ишлаб чиқариш муносабатларини ўрнатиш билан бирга **идеология, тарбия, билим бериш, фан ва адабиёт соҳасида** бир қанча тадбирларни амалга оширишни кўзда тутади.

Партия барча меҳнаткашларни юксак гоявийлик ва коммунизмга садоқат руҳида, меҳнатга ва ижтимоий хўжаликка коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашни, буржуа қарашларни ва ахлоқининг сарқитларини батамом бартараф қилишни, шахсни ҳар тарафлама камолатга етказишни, маънавий маданиятнинг чинакам бойлигини вужудга келтиришни идеология ишининг ҳозирги босқичидаги энг асосий масаласи деб ҳисоблайди.

КПСС Программасининг проекти меҳнаткаш инсоният томонидан вужудга келтирилган маънавий бойликлардан воз кечиш эмас, балки уларни ҳар тарафлама авайлаб сақлаганя ҳолда **коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексини** таърифлаб берди. Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси кишиларнинг инсоният олижаноб ақл эгалари орзу қилган энг яхши фазилатларини ўзида мужассамлантирувчи инсон гимни бўлиб жаранглмоқда. Программа проекти коммунистик жамият қурувчилари ва гражданларининг коммунистик онглилигини тарбиялаш йўллари ва воситаларини батафсил баён қилиб беради.

ПАРТИЯ — КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИНИНГ ТАШКИЛОТЧИСИ ВА ИЛҲОМЧИСИ

Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврга партиянинг ривожланишидаги, унинг сиёсий, идеологик ва ташкилотчилик ишларининг янги даври ҳам мос бўлиб тушади.

Программа проектида назарий жиҳатдан жуда муҳим қуйидаги қоида илгари сурилади: «СССРда социализм ғалаба қозониши, совет жамияти бирлигининг мустаҳкамланиши натижасида ишчилар синфининг Коммунистик партияси совет халқининг авангардига айланди, бутун халқ партияси бўлиб қолди, ижтимоий ҳаётнинг барча томонларига ўзининг етакчи таъсирини кенгайтирди».

Программа проектида «Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган давр совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи бўлган **Коммунистик партиянинг роли ва аҳамиятининг янада ўсиши билан** характерланади» деган назарий жиҳатдан тарихий тажрибага суянувчи чуқур марксча-ленинча хулоса баён қилинган.

Программа проекти партия турмушининг ленинча нормаларига ҳамда коллектив раҳбарлик принципига сўзсиз риоя қилишни, партия органлари ва уларнинг ходимларининг партия оммаси олдидаги масъулиятини оширишни, барча коммунистларнинг активлиги ва ташаббусини оширишни, уларнинг партия сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этишини таъминлашни, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришни партия турмушининг қонуни даражасига кўтаради.

Партиянинг ички демократиясини ривожлантириш, ўз фаолиятининг форма ва методларини такомиллаштириш билан, ўз сафларининг бирлиги ва монолитлигини мустаҳкамлаш, ўзининг гоявий қуроли — марксизм-ленинизмнинг поклигини авайлаб сақлаш билан, партия, коммунизм қураётган халқнинг илғор отряди сифатида ўзининг партия ички ҳаётини ташкил этишда ҳам олдинги сафда боради, коммунистик ўз-ўзини бошқаришнинг энг такомиллашган формаларини ишлаб чиқишда ўрнак кўрсатади ва намуна бўлади.

Партия — халқнинг авангардидир. Лекин авангард оммадан ажралиб қолмаган, балки у билан бирга ва унга бошчилик қилиб борган тақдирдагина ўз ролини бажаради. Партия ўз фаолиятида: халқ — тарихни яратувчидир, коммунизм қуриш — халқ ишидир, унинг куч-ғайрати, ақл-идроки самарасидир, деган марксча-ленинча қоидага асосланади. **«Партия халқ учун яшайди, халққа хизмат қилишни ўз фаолиятининг маъноси деб билади»,** — дейилади Программа проектида.

Партия ўз Программасини, коммунизм қуриш программасини ишлаб чиқиш билан фақат ўз аъзоларигагина эмас, шу билан бирга, бутун халққа мурожаат қилганлиги ҳам шу алоқанинг бузилмас мустаҳкамлигини кўрсатувчи энг ёрқин далиллардан биридир.

Партиянинг XX ва XXI съездлари янги Программа проектини ишлаб чиқишда ғоят катта роль ўйнади. Бу эса КПССнинг назарий куч-қудрати, унинг сиёсий донолиги ва ташкилотчилик тажрибасининг тимсолидир.

Бу катта тарихий ҳужжатнинг муҳокама қилиниши партия ташкилотларининг ғоявий турмушини янада юксак савияга кўтаради, коммунистлар ва барча меҳнаткашларнинг ижодий активлигини мисли кўрилмаган даражада оширади. Совет кишилари КПСС XXII съездини, коммунизм қуриш съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун куч-ғайратларини аямайдилар.

Е. БУГАЕВ.

А. И. МИКОЯН ЯПОНИЯДА

ТОКИО, 17 август. ТАСС мухбири **А. Бирюков** хабар беради: СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян бугун эрталаб Японияниинг энг катта ўқув юрти Токио университетида бўлди. Университетнинг студентлари, профессорлари ва ўқитувчилари меҳмонни самимий кутиб олдилар.

А. И. Микоянниинг Японияда бўлиши юзасидан бамаслаҳат тузилган программада университет студентлари билан учрашиш ҳақида истак ҳам билдирилган эди. Япония томони каникуллар бошланганлиги ва шаҳарда студентлар йўқлиги сабабли бундай учрашувни ўтказиш мумкин эмас, деб изоҳ берган эди. Аммо шунга қарамай, 1000 га яқин студент Совет Иттифоқидан келган меҳмонни табриклаш учун келдилар.

Улар қизил байроқчаларни ва рус тилида: «Анастас Иванович Микоян, хуш келибсиз!», «Япония билан СССР ўртасидаги тинчлик ва дўстлик бузилмасдир!» деган сўзлар ёзилган плакатларни кўтариб олганлар.

Азиз совет меҳмони тушган автомашина ҳамманинг гулдурос қарсаклари билан кутиб олинади. Токио университетининг президенти Сэйдзи Кая А. И. Микоянни табриклайди. Сэйдзи Кая меҳмон билан бирга залга киради. Токио университетидаги япон олимлари, профессор ва ўқитувчилар шу залга тўпланган эди. А. И. Микоян залга кириб келганида залдагилар ўринларидан турадилар ва уни давомли қарсаклар билан табриклайдилар.

Университет президенти Кая нутқ сўзлайди. Кая университет ходимлари ва мамлакатдаги илмий жамоатчилик номидан А. И. Микоянга мурожаат қилиб, самимий табрик сўзлари айтади.

Гулдурос қарсаклар билан кутиб олинган А. И. Микоян нутқ сўзлайди. А. И. Микоян кишилик жамияти ҳаётида фаннинг жуда катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида, кейинги вақтларда фан ёрдами билан эришилган катта муваффақиятлар тўғрисида ва, жумладан, фаннинг космосни забт этиш соҳасида эришган муваффақиятлари тўғрисида гапиради.

Нотиқ олимларнинг ҳозирги вазиятдаги позицияларига алоҳида тўхталиб ўтади. Ўз ишига берилиб кетган олимлар бор, лекин улар сиёсатдан четда турадилар. Аммо, сиёсатнинг шундай бир соҳаси ҳам борки, олимлар бу соҳага бефарқ қарай олмайдилар. Бу — тинчлик тўғрисидаги масаладир. А. И. Микоян бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш соҳасида олимлар катта роль ўйнай олишлари тўғрисида гапиради. Инглиз маъмурлари Хиросима кули муносабати билан ўтказилган митингда бу олимнинг нутқ сўзлашига рухсат бермадилар. Тинчлик тўғрисида гапирганда, дейди Микоян, барча олимлар сиёсатчилар сифатида ҳаракат қилишлари керак.

А. И. Микоян ҳамманинг қарсаклари остида ўз нутқини Япония ва Совет Иттифоқи олимларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлашга даъват этган сўзлар билан тамомлайди.

Кая мазмунли нутқ сўзлаганлиги учун шу ерда ҳозир бўлган кишилар номидан Микоянга ташаккур изҳор қилади. А. И. Микоянниинг университетда бўлиши учун ажратилган вақт тамом бўлай деб қолганига қарамай, бир неча олим сўзга чиқишни истаганлигини эслатиб ўтади, Кая.

Уларнинг гапларини эшитайлик, деб таклиф қилади А. И. Микоян.

Токио университетининг собиқ президенти атоқли япон олими Сигэру Намбара нутқ сўзлайди. Мен, дейди у, кеча сизнинг савдо-саноат выставкангизда бўлдим. Мен выставкада бўлган чоғимда инсоният ҳақиқатан ҳам космосни забт этиш босқичига қадам қўйганлигини ҳис этдим. Совет Иттифоқининг атомни ўзлаштириш соҳасида эришган муваффақиятларини кўрсатувчи стенд устидаги лавҳа менда айниқса кучли таассурот қолдирди. Бу лавҳага: «Тинчлик ва халқлар фаровонлигига хизмат қилайлик!» деган сўзлар ёзилган эди. Фан, дейди Намбара, худди шу мақсадга хизмат қилмоғи керак.

Шундан кейин «Хосэй» университетининг собиқ ректори экономист олим Оути А. И. Микоянни самимий табриклайди.

А. И. Микоян университетнинг кутубхонасини кўздан кечириб турган пайтда университет территориясида «Интернационал» садоси янграйди ва япон тилида «Атом урушига йўл қўймаймиз» деган қўшиқ айтилади.

Ҳамманинг гулдурос қарсаклари остида А. И. Микоян университет территориясидан жўнаб кетади.

ТОКИО, 17 август. (ТАСС). Токиода совет савдо-саноат выставкасининг очилиши муносабати билан Японияда меҳмон бўлиб турган СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян бугун Япония ҳукумати аъзолари шарафига зиёфат берди.

Зиёфат вақтида бемалоллик вазиятида ошкора суҳбат бўлди. Зиёфатда Япония томонидан бош министр Икэда, ташқи ишлар министри Косака, ташқи савдо ва саноат министри Сато, деҳқончилик ва ўрмончилик министри Коно ва Япония ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳозир бўлдилар.

ТОКИО, 17 август. (ТАСС). Бугун кечқурун Япониядаги учта энг йирик иқтисодий ташкилот — иқтисодий ташкилотлар федерацияси, Япония савдо-саноат палатаси, халқаро савдо-сотиқни ривожлантириш Япония кенгаши СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян шарафига зиёфат бердилар.


СОВЕТ Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проекти да меҳнаткашларга уй-жой қуриш масаласи кенг қўйилган. Партиянинг яқин йиллар ичида уй-жой проблемасини ҳал қилиш юзасидан берган кўрсатмаси республикамизда тез суръат билан амалга оширилмоқда. Колхоз ва совхозларда янги-янги уй-жой кварталлари бунёдга келмоқда. СУРАТДА: Фарғона шаҳридаги Пушкин кўчасида қурилган янги уй-жой бинолари.

Г. Бойко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

□ □ □

ОЗОД КУБА Республикасидан Совет Иттифоқига келган куба ёшларининг бир группаси республикамизнинг турли ўқув юртларида, ҳунар мактабларида, саноат корхоналарида ва колхозларида таълим олмоқдалар. СУРАТДА: 16- махсус ҳунар билим юртида ҳунар ўрганаётган куба ёшлари ўқиш залида.

В. Сироткин фотоси.



СОВЕТ КИШИЛАРИ ТУНИСГА ХАЙРИХОҲ

ТУНИС ВА СССР ПАРЛАМЕНТ АРБОБЛАРИ БИР-БИРЛАРИГА ТЕЛЕГРАММА ЮБОРДИЛАР

ТУНИС миллат мажлисининг раиси Желули Фарес СССР Олий Советига телеграмма юбориб, бу телеграммада Тунисга қарши француз ҳарбий агрессияси натижасида вужудга келган аҳволнинг жиддийлигига эътиборни жалб қилди. У совет парламентини француз агрессиясини қоралашга ва ўз суверенитетини ҳимоя қилиш учун ҳамда тинчликни сақлаш учун курашаётган тунис халқига ҳамжиҳатлик билдиришга чақиради.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси П. П. Лобанов ва СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Я. В. Пейве жавоб телеграммасида айтдиларки, Совет Иттифоқи халқлари француз мустамлакачиларининг Бизертада Тунисга қарши агрессиясини кескин қоралайдилар. Биз, Тунис миллат мажлисини ишонтириб айтамизки, дейилади телеграммада, совет кишилари чет эл босқинчиларига қарши кураша ётган тунисликларга хайрихоҳлик билдирадилар ва уларни қўллаб-қувватлайдилар. Совет Иттифоқи Тунисининг ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашига малад бермоқда, ва малад беришни давом эттиради. (ТАСС).

ҒАРБИЙ БЕРЛИНДА МАНЕВРЛАР

ҒАРБИЙ БЕРЛИН, 17 август. (ТАСС). Кеча Ғарбий Берлиндаги Груневальд районида Америка ва Англия қўшинларининг йирик танк ва пиёда қўшилмаларя маневр бошладилар. Маҳаллий матбуотнинг таъкидлашича, бунда гап Груневальдда шу вақтгача ўтказилган маневрлар орасида энг катта маневр ҳақида бормоқда.

НОСИР ДЕКРЕТИ

ҚОҲИРА, 17 август. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикасининг президенти Гамол Абдил Носирнинг декретларига биноан, Бирлашган Араб Республикаси ҳукуматининг структураси қайта ташкил қилинди ҳамда Миср ва Сурия районларидаги министрликлар тугатилди. Бирлашган Араб Республикасининг ягона ҳукумати ташкил этилди, бу ҳукуматда олтита янги министрлик: меҳнат министрлиги, баланд Асуан тўғони ишлари бўйича министрлик, уй-жой қурилиши министрлиги, илмий тадқиқотлар министрлиги, олий таълим министрлиги ва ер ислоҳоти ишлари министрлиги таъсис этилди.

Бирлашган Араб Республикасининг илгариги ҳукуматидаги учта вице-президент ўрнига президентнинг декретларига биноан етти вице-президент тайинланди. Уларнинг ҳар бири давлат фаолиятининг турли секторлари учун масъулдирлар. Ҳукумат составига 36 министр киради.

Ҳамма министрликлар Қоҳирада бўлади. Айрим министрликларга бир неча министр ташкил этилди, бу ҳукуматда олтита янги министрлик: меҳнат министрлиги, баланд Асуан тўғони ишлари бўйича министрлик, уй-жой қурилиши министрлиги, илмий тадқиқотлар министрлиги, олий таълим министрлиги ва ер ислоҳоти ишлари министрлиги таъсис этилди.

Хабар қилинишича, Бирлашган Араб Республикасининг ягона ҳукумати ташкил топганидан кейин, иккала районнинг ҳар бирида иқрония кенгаши ташкил қилинади ва ҳар иккала кенгаш Қоҳирада бўлади.

ЧЕТ ЭЛЛАРДАН ОЛИНГАН ҚИСҚА ХАБАРЛАР

⊙ Буэнос-Айресдаги «Метрополитен» кинотеатрида «Солдат ҳақида қисса» деган совет кинофильми зўр муваффақият билан намойиш қилинмоқда. Ҳамма сеанслар зал гомошабинлар билан тўла тўлган ҳолда ўтмоқда. Маҳаллий кинофильмга яқдиллик билан юксак баҳо бермоқдалар. Улар картинанинг ҳужум инсонпарварларининг, артистларнинг жуда яхши ўйнаганлигини ва постановканинг бенуқсонлигини таъкидламоқдалар.

⊙ Лотмат шаҳридаги (Ғарбий Германия) химия корхонасида катта портлаш рўй берди ва ёнғин келтириб чиқарди. Матбуотнинг хабар беришича, портлаш натижасида 18 киши шикастланди. Уларнинг аҳволи оғир эрадор бўлди.

⊙ Кейинги кунларда Жанубий Кореяда кучли ёмғир ёғди. Кўпгина дарёлар қирғоқларидан тошиб чиқди, сувнинг кучли оқимлари деҳқончиликнинг палаларини босиб кетди. Сув тошқини натижасида Кенги видоятида уч юздан кўпроқ киши зарар кўрди. Ҳанган дарёсининг юқори оқимида кўпгина жойлар вайрон бўлди. 260 уй, юзларча гектар шолипор ерлар сув остида қолди. Баъзи участкаларда темир йўл қатнови тўхтаб қолди.

⊙ Аргентинада Москвадаги Станиславский ва Немирович-Данченко номли музикали театр балет труппасининг спектаклари зўр муваффақият билан ўтмоқда. Бу труппа Латин Америкаси мамлакатлари бўйлаб гастролда юрибди. Томошабинлар артистларни зўр хурсандчилик билан қўлиб олмоқдалар. Кўпгина газеталар совет артистларининг концертларини унутилмас балет кечалари, деб характерламоқдалар.

⊙ Англия ички ишлар министрлигининг эълон қилган маълумотларига қараганда, мамлакатда болалар жинояти узлуксиз ўсиб бормоқда. Фақат кейинги 5 йил ичида — 1955 йилдан 1960 йилгача ёшлар орасида жиноятчилик 60 процентдан зиёдроқ ўсди. «Дейли мейл» газетаси бу маълумотларни шарҳлаб, «ўсмирлар орасида жиноятчилик жамиятимизнинг энг даҳшатли иллатларидан бирига айланмоқда», деб ёзади.

17 август (ТАСС).

М. А. САЛЬЕ

СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси, филология фанлари кандидати, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг кекса ходимларидан бири, Шарқшунослик институтининг старший илмий ходими Михаил Александрович Салье узоқ давом этган касалликдан сўнг вафот этди.

М. А. Салье 1899 йилда Ленинградда хизматчи оиласида туғилди.

М. А. Салье 1918 йилда Ўрта мактабни, 1923 йилда эса шарқ тиллари институтини тугатди ва 1926 йилда Ленинград Давлат университетининг Шарқ факультетини тамомлади. У йигирмачи йилларда Ленинград университетининг студенти эканлигидаёқ араб тилидаги адабий ёдгорликларни таржима қилиш ва нашр эттириш иши билан шуғулланди. М. А. Салье Ўрта Осиё халқларининг прогрессив ва илғор маданияти ва фанини оммалаштирган талантли йирик шарқшунос олим эди. Совет Иттифоқидагина эмас, ҳатто чет элларда ҳам танилган йирик таржимон эди. Ўрта Осиё халқлари илғор намояндаларининг у таржима қилган адабий, фалсафий асарлари китобхонлар орасида катта шуҳрат қозонган.

М. А. Салье биринчи марта арабчадан рус тилига машҳур араб «Минг бир кеча»сини таржима қилган, шунингдек ўтмишдаги ажойиб олимларнинг, хусусан Абу Али Ибн Синонинг «Алқонун». Абу Райҳон Беруний нинг «Ўтмиш авлодлар хотираси» асарларини ва бошқа бир қанча йирик асарларни таржима қилишда фаол қатнашган.

М. А. Салье жамоат ишларида ва илмий кадрлар тайёрлашда актив қатнашиб катта обрў қозонди. Михаил Александрович Салье хотираси унинг касбдошлари ва дўстлари қалбида ҳамма вақт сақланиб қолади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.



Бони ўқдони.
А. Грунин чизган сурат (ТАСС).

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

ҚЎШИМЧА СИНФХОНАЛАР ҚАЧОН ҚУРИЛАДИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектида мамлакатимизда халқ маорифини бундан буён ҳам кескин суратда юксалтириш, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор берилган, болаларга оталарча ғамхўрлик қилиш уқтириб ўтилган. Навоий районидаги «Бухоро» колхозининг аъзолари бу тарихий ҳужжатни ўрганар эканлар, ўқув-тарбия ишларини янада кучайтиришга киришдилар.

Бу йирик пахтакор ва чорвадор колхоз территориясида иккита ўн бир йиллик, бир саккиз йиллик ва тўртта бошланғич мактаб бор. Буларда 110 киши ўқитувчилик қилади. Мактабларнинг ҳаммасида машғулотлар бир сменага кўчирилган. Мактаблар ҳам, ўқитувчилар ҳам янги қурилган бинолар билан таъминланган.

Ўтган ўқув йилида колхозда ўнинчи синфни 60 бола тамомлаб чиқди. Боғчада тарбияланган юздан ортиқ бола биринчи синфга тортилди. Шу муносабат билан колхозда қўшимча тўртта синфхона қуришга киришилди. Колхоз раиси, «Халқ маорифи аълочиси» значоги билан мукофотланган ўртоқ С. Жўраев шу қўшимча синфхоналарни районда биринчи бўлиб қуриб битказди. Бундан ташқари, иккита ўн бир йиллик мактаб учун алоҳида таълим устахоналари қурилди, булар асбоб-ускуна билан таъминланди, янги техкарлик станоклари ўрнатилди.

Райондаги «Норпой» пахтачилик совхозининг коллективи, «Қизил октябрь» колхози правлениеси ҳам мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашда ташаббус кўрсатдилар. Колхоздаги Жданов номли мактабда партадоскалар, стол-стуллар, шунингдек бошқа ўқув қуроллари ҳамда қўшимча синфхоналар тўла ремонтлаб чиқариб, тахт қилиб қўйилди. Ўқувчилар дарсликлар билан таъминландилар.

Бухоро областидаги бошқа районлар қаторида Навоий шаҳар ва район мактаблари да ўтган ўқув йилида машғулотлар бир сменага кўчирилди. Лекин 1961-1962 ўқув йилида ҳам мактабларда машғулотларни бир сменада олиб боришни таъминлаш юзасидан кўпчилик мактабларда тайёргарлик суст борляпти. Янги ўқув йили бошланишига саноқли кунлар қолди. Бироқ ҳали қўшимча синфхоналар қуриш иши тугалланган йўқ. Уч ой давомида 48 қўшимча синфхонадан атиги 19 таси қурилди.

Темир йўл станцияси қошидаги 11 йиллик мактабда ўқишни бир сменада олиб бориш учун 12 та қўшимча синфхона талаб қилинади. Ҳозиргача эса шундан фақат 5 таси қурилди. Буларга ҳам ҳали пол ётқизилгани йўқ. Мактаб директори Шарипов ва мактабни оталикка олган пахта тозалаш заводининг директори Эргашев ўртоқлар «ҳали вақт эрта» деб бамайлихотир юрибдилар.

Қишлоқ мактабларида аҳвол бундан ҳам ёмон. Свердлов номли колхоз қошидаги мактаблар учун қўшимча 7 та синфхона қуриш планлаштирилган эди. Колхоз раиси О. Фармоновнинг айби билан шу кунгача бу синфхоналардан бироктаси ҳам қуриб битказилгани йўқ. Ҳазара, Талқонсайёт қишлоқ советидаги мактаблардаги қўшимча синфхоналар қурилишида анчадан бери иш тўхтатиб қўйилган.

«Коммунизм» ва «Қизил Ўзбекистон» колхозларида янги мактаб бинолари қуриш учун қурилиш материаллари ҳам, керакли маблағ ҳам ўз вақтида ажратилган эди. Афсуски, колхоз раҳбарларининг бепарволиги оқибатида қурилиш ишлари ёз бўйи ўзбўларчиликка ташлаб қўйилди. «Қизил Ўзбекистон» колхозидаги саккиз йиллик мактаб қурилишида ишнинг учдан бир қисмигина бажарилди. Синфхоналар ва таълим кабинетларининг кўпи битказилган эмас. Колхоз раиси Ш. Сохибов ҳамма айбни район колхозлараро қурилиш ташкилотининг бошлиғи Р. Ҳамроев устига тўнкаяпти. Ҳамроев эса мутахассислар етишмаслигидан нолийди. Икки орада мактаб қурилиши кечиктириляпти.

«Коммунизм» колхозида янги мактаб биноси қурилишида бир ойдан буён иш тўхтатиб қўйилган. Ўтган ойлари қурилиш материаллари йўқ, деган баҳона билан шундай қилинган эди. Энди ишчи кучи ва дурадгор етишмаётган эмиш! Колхоз раиси Т. Ҳўжаев, бошланғич партия ташкилотининг секретари Т. Олимов ва мактаб директори Э. Бадалова ўртоқлар «қурилиш бўлса бир кун битар» деб юришибди.

Райондаги аҳволнинг шу даражада оғирлашиб кетганининг сабабини район халқ маорифи бўлимининг мудири Латиповдан сўрасангиз, у ҳам қурилишлар албатта битказилади, деб бамайли-хотир жавоб беради. «Бироқ вақт ўтиб кетяпти.

Қўшни Конимех районида ҳам қўшимча синфхоналар қуриш иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. «Конимех», «Октябрь 40 йиллиги», «Жон келди» совхозларида қурилиши лозим бўлган синфхоналар ҳеч кимнинг эсига келаётгани йўқ. Ҳатто шифер, тахта каби энг муҳим қурилиш материаллари шу кунгача Бухородан ташиб келтирилгани йўқ. Район ташкилотлари, хусусан район ижроия комитети (раиси ўртоқ А. Нарзиев) янги ўқув йилига тайёргарлик кўришни қарор қабул қилишдан иборат деб тушуниб қолмасак керак. Бўлмаса амалий ишга бошчилик қилмасмиди?

Янги ўқув йилига саноқли кунлар қолди. Ҳозирги ҳар бир кун ғанимат. Навоий ва Конимех район партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари буни ҳисобга олишлари, қўшимча синфхоналар қуриш, янги мактаб бинолари қурилишини тезлатиш юзасидан шошилинч чоралар кўришлари зарур.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

Редактор
З. И. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

19 АВГУСТДА

18.30 — Рус операси ҳақида суҳбатлашайлик (ёшлар учун рус тилида). 19.05 — Телевизион янгиликлар. 19.25 — Буюк рус архитектори А. Д. Захаров (туғилган кунининг 200 йиллиги муносабати билан ўзбек тилида). 19.55 — Асаблар (А. П. Чеховнинг шу номдаги ҳикояси асосида телевизион фильм). 20.15 — Чет эл хроникаси. 20.25 — Айбсиз айбдорлар номли бадиий фильм. 22.05 — Концерт (ўзбек куйларидан).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Кафанов номли парк Халқ ижоди уйининг ёзги театри) — 19/VIII да Штраусиана, Болеро ва концерт бўлими, 20/VIII да Риголетто.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 19/VIII да Олма гуллаганда, 20/VIII да Гамлет.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/VIII да Равшан ва Зулхумор, 20/VIII да Паранжи сирлари.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Хотинли бўйдоқ — «ИСКРА» «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Эрнин шамол — «ДРУЖБА» (1-залда), «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 8 ярим ва 11 да).

Раис — марказий ҳужумчи — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Юлдузлар сари биринчи сафар — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 ва 11 да).

Қайтиш — «ДРУЖБА» (2. залда кундуз ва кечқурун).

Севаман сени, ҳаёт — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 10 да).

Номаълум аёл — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1-20 минут, кеч 5 ва 7 да).

Уприлиш — «МИР» (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН» эрталаб соат 10 да).

Буратинонинг саргузаштлари — «МИР» (эрталаб соат 10 да).

Озод қилинган ўлканинг ёшлиги (кундуз соат 12, 2-20 ва 4.40 минутда). Жаҳон олқишлайди (кундуз 1-10 минут, 3 ярим ва кеч 6 да). Дунёнинг яратилиши (кеч 7 ярим ва 9 да) — КИНОЛЕКТОРИЙ.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Хотинли бўйдоқ — «ФЕСТИВАЛЬ», КАФАНОВ номли, ТЕЛЬМАН номли, ПУШКИН номли.

ПАХТАКОР СТАДИОНИДА — 19/VIII кеч соат 6 да СССР кубоги учун: «Спартак». «А» классн (Москва) — «Старт» (Тошкент) командалари ўртасида футбол. Билетлар сотилмоқда. Абонемент ярамайди.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ

қишки ва ёзги «Ватан», «Ўзбекистон», «Фестиваль», Кафанов номли, «Ударник», Шаҳар кинолекторийси экранларида кўрсатиш учун

Юлдузлар сари биринчи сафар

НОМЛИ ЯНГИ РАНГЛИ ХРОНИКАЛ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ ЧИҚАРДИ.

Сценарий авторлари — Г. Кубланцкий, Е. Рябчиков.

Режиссёрлар — Д. Боголепов, И. Копалин, Г. Косенко.

Бош консультантлар — авиация генерал-лейтенанти И. Каманин, медицина фанлари доктори, профессор В. Яздовский.

Фильмни Ҳужжатли фильмлар Қизил Байроқ орденли Марказий студияси ва Илмий-оммабоп фильмлар Қизил Юлдуз орденли Москва студияси ишлаган.

Тошкент тўқимачилик институти
1961 йил учун
АСПИРАНТУРАГА
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда: пахтани дастлабки ишлаш, толали материалларнинг механик технологияси, тўқимачилик материаловедениеси, механизм ва машиналар назарияси, юқори молекулар бирикмаларнинг кимёвий технологияси ихтисосларига.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда: пахтани дастлабки ишлаш, тўқимачилик материаловедениеси, механизм ва машиналар назарияси, тўқувчилик, ишлаб чиқариш экономикаси ва ташкил қилиш ихтисосларига.

Аризалар 10 сентябргача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 1 октябрдан 15 октябргача ўтказилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 2-Виборг кўчаси, 5-уй, 5-хона.

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСА ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ФАКСИМИЛЬ ТЕЛЕГРАММАЛАР қабул қилинмоқда

Факсимиль телеграммалар қўлда ва машинкада ёзилган хабарларни ҳужжатларнинг асл нусхасини (имзо, штамп ва печати билан), жадвал ва чизмаларни ҳамда фотографияни бошқа гасвирларни юбориш учун хизмат қилади.

Факсимиль телеграммаларнинг фототелеграммалардан фарқи шуки, улар оддий қоғозда етказиб берилади.

Факсимиль телеграммалар йирик ҳарф билан равшан қилиб ёзилиши лозим.

Факсимиль телеграммаларнинг тарифи фототелеграммалардан 2-3 баравар камдир.

Факсимиль телеграмма бланки-нинг катта-кичиклиги ва юбориш ҳақи:

50х220 линя — 50 тийин.
100х220 линя — 1 сўм.
150х220 линя — 1 сўм 50 тийин.
300х220 линя — 3 сўм.

Тошкент почтамти.

Тошкент политехника институти аспирантураниинг

қуйидаги ихтисосларига
1961 йил учун
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Фойдали қазилмаларни бўлган конларини ишлатиш, неорганик моддалар технологияси, минералогия, геофизика, фойдали қазилмалари бўлган конлар геологияси ва уларни қидириш, органик кимё, аналитик кимё, физик кимё, гидрогеология, электротехниканинг назарий асослари, қурилиш ишлаб чиқариши технологияси, архитектура (саноат ва граждан бинолари қурилиши), гидротехника қурилиши, кимё ишлаб чиқариш процесслари ва аппаратлари, силикатлар технологияси, электр тармоқлари ва системалари, қўйиш машиналари ва технологияси.

Аризалар 1 октябргача қабул қилинади.

Қабул шартлари билан аспирантура бўлимида танишиш мумкин.

Ариза топшириш учун адрес: Тошкент шаҳар, Я. Колас кўчаси, 16-уй, Тошкент политехника институтининг аспирантура бўлими.

Ўзбекистон ёзувчилар союзи правлениеси ёзувчи. Ўзбекистон ёзувчилар союзи аъзоси, таниқли таржимон

Михаил Александрович САЛЬЕНИНГ

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334. 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри
Р. 01677. Нашр. Б. 194.